O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 23-iyul • № 29 (3755)

XIII ИСТИҚЛОЛ ЙЎҚЛАМАСИ

МУСИҚА – МАЪНАВИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

Инсон ўз ҳаётини куй-қўшиқ, оҳангтароналарсиз тасаввур эта олмайди. Негаки, мусиқа санъати инсон руҳиятига беқиёс таъсир кўрсатади, эзгу кечинмаларимиз, юрак туйғуларимиз билан боғланиб, тингловчига куч-қувват, руҳий мадад бахш этади.

Шу маънода пойтахтимиз Тошкентда Ўзбекистон давлат консерваторияси янги биносининг ишга туширилиши нафақат санъат аҳли, мусиқа шинавандалари, шу билан бирга санъатсевар халқимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, ҳар биримизга чексиз фахр-ифтихор бахш этганини яна бир бор эслаб ўтмоқ жоиздир.

Бугун биз дунёдаги ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, юртимизда эркин ва фаровон жамият барпо этаётган эканмиз, санъатни, мусиқани ўзимизнинг маънавий ҳамроҳимизга айлантирмасдан туриб ана шу юксак марраларга эришишимиз, ҳаётимизни янада мазмунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукаммал қилишимиз мумкин эмас, албатта, — деб таъкидлаган эди Президент Ислом Каримов Консерватория янги биносининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида.

Мусиқа ихлосмандлари хотирасида мухрланиб қолган ана шу маросимда Юртбошимиз олдимизга катта дастурий вазифалар қўйган эди. Жумладан, мусиқа санъатини фақат марказда эмас, балки олис шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам ривожлантириш, бу соҳанинг фаол фидойиларини қўллаб-қувватлаш, ҳаётбахш ва даъваткор мусиқа садоларининг юртимиз бўйлаб ҳамиша янграб туриши ҳаётимиз қоидаси бўлиб қолишига эришиш, ёш иқтидорли истеъдод эгаларини асраб-авайлаб тарбиялаш каби масалалар ижодий жамоамиз учун муҳим иш йўналишлари, деб белгиланган эди.

Орадан ўтган қисқа вақт ичида бу вазифаларни амалга ошириш юзасидан бир мунча ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Давлат консерваторияси мусиқа санъатининг барча йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳамда мазкур таълим соҳаси педагоглари, мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази сифатида фаолият юритиши таъминланмоқда.

Кўп асрлик мусиқий меросимизни, миллий чолғу асбобларининг тарихи, такомиллашув жараёнларини, миллий ва жаҳон мусиқа санъати тараққиётини, миллий мусиқа асбобларининг тарихини ўрганиш мақсадида консерватория таркибида ихтисослаштирилган илмий тадқиқот маркази ва "Мусиқа музейи" ташкил этилиб, улар фаолияти йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш Кенгаши Илмий-тадқиқот маркази тадқиқотларини Давлатнинг фан ва техника дастурлари рўйхатига киритгани айни муддао бўлди. 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб давлат бюджетида назарда тутилган маблағлар доирасида грантлар олиш учун марказ томонидан мусиқий мерос, миллий ва жаҳон маданиятлари тарихи, замонавий мусиқий ижодиёт ва эстрада мусиқаси сингари йўналишлар бўйича ишлар тавсия қилинмоқда.

Бугунги кунда марказда 1 та фан доктори, 5 та фан номзоди, 2 та ёш олим илмий изланишлар олиб бормоқда.

Консерваториянинг Эстрада санъати бўлими негизида Эстрада санъати факултети ташкил этилган бўлиб, унда эстрада хонандалиги, эстрада чолғу ижрочилиги, мусиқий овоз режиссёрлиги бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Мусиқий таълим муассасаларини замонавий мусиқий ўқув адабиётлари билан таъминлаш, уларни мунтазам чоп этишни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган "Мусиқа" нашриётининг дастлабки нашрлари мусиқа ихлосмандлари қўлига бориб етди.

Чет эллардаги нуфузли мусиқа муассасаларида таълим олаётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатаётган ўзбекистонлик ижодкор ёшлар билан доимий алоқа ўрнатилган бўлиб, консерватория фаолиятида уларнинг ижодий салоҳиятидан фойдаланиш бўйича белгиланган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Берлин Олий мусиқа мактабида таҳсил олиб, ҳозирда АҚШда ижодий фаолият юритаётган скрипкачи Тигран Шиганян, Лондон Уэльс университети магистри пианиночи Фазлиддин Ҳусанов, Франция консерваторияси талабаси виолончелист Дилшод Назаров ҳамда Улуғбек Мусаев, Владлен Черномор сингари ўқувчи-ёшлар билан доимий алоқа боғланган. Улар турли халқаро анжуманларда қатнашиб, жаҳонда мамлакатимиз мусиқа санъатини кенг тарғиб этишга мунносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Давоми иккинчи бетда.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

САРҲИСОБ

Ижодий соҳанинг табиати ўзига хос: унда ҳеч ким ўз фаолиятини ўзи баҳолай олмайди. Ёқиш-ёқмаслигидан қатъи назар, баҳони бошқалар беради. Бир-биридан фарқли турли мулоҳазалар, мунозаралардан ҳақиқат юзага чиқади. Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йиғилиш, айниқса, шу жиҳатдан аҳамиятли бўлди.

Йиғилишни бошқарган Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи муовини Сирожиддин Саййид ўтган йили, бу йил турли жанрларда бир қатор асарлар яратилгани, уларни баҳолаш, бу асарларнинг адабий жараёнда тутган ўрнини белгилаш, бошқача айтганда, сарҳисоб қилиш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Уюшмадаги барча ижодий кенгашлар вакиллари иштирок этган йиғилиш қизғин фикр алмашув тарзда ўтди.

— XX аср адабиёти етарлича таҳлил қилинмаган, -дейди Проза кенгаши раиси Пиримқул Қодиров. - Натижада бу давр адабиёти анъанавий деб баҳоланяпти. Ваҳоланки, ўзбек адабиётидаги янгиланишга айни шу даврда асос солинди. Модерн адабиёти намунаси сифатида баҳоланаётган айрим асарларда ҳам анъанавий йўллардан, усуллардан фойдаланилмоқда. Демак, бу давр адабиётини холис ва ҳаққоний таҳлил этиш зарур.

Шеърият кенгаши раиси Жуманиёз Жабборов ушбу фикрларга қўшилишини таъкидлаб, шундай деди: "Шеъриятимизда катта мактаб вужудга келди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар шеърияти ёш ижодкорлар учун ана шундай мактаб вазифасини ўтамоқда. Шеъриятимизнинг ёш авлодида яхши шеърлар яратиш имконияти мавжуд. Минҳожиддин Мирзо, Хосият Рустамова шеърлари, Маҳмуд Тоирнинг туркум асарлари шеъриятимиз истиқболига умид билдиришга асос беради. "Зомин мактаби"нинг ҳаётимизга кириб келиши бу борада ворисийликни таъминлаши билан аҳамиятли. Лекин у оддий шеър ўқиш майдонига айланиб қолмаслиги керак.

Яна бир мулоҳаза: "тақдимот" деган атама кириб келди. Уни ҳар қандай асар учун ҳам уюштириш мумкинми? Бу ҳақда ўйлаб кўриш зарур.

Ёзувчи Носир Фозилов болалар адабиёти муаммолари, бу борада эълон қилинаётган асарлар тўғрисида сўзлади.

— Лотин алифбосига ўтганимизга ўн йил бўлди, — деди у жумладан. — Лекин бу имлода етарли даражада адабиётлар чоп этилмаяпти. Бу жиддий эътиборни талаб этади.

— Яхши асар ҳар доим ҳам яратилавермайди, — деди Адабиётшунослик ва танқид кенгаши раиси, академик Бахтиёр Назаров. — Шу каби танқидчиликда ҳам мунтазам яхши мақолалар ёзилиши қийин. Гап ижодкор олдига йирик, умумлаштирувчи, долзарб вазифалар қўя билишда. Яхши адабий танқидий асарлар бўлса, нашр қилиш имкони бор. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"даги модернизмга оид баҳсларга ўхшаган чиқишларни кўпайтириш керак.

Драматургия кенгашининг масъул котиби Ҳусниддин Шарипов драманинг жанр сифатидаги мураккабликлари, драматург-режиссёр-театр муносабатларини мустаҳкамлаш зарурати тўғрисида гапирди.

— Адабий жараён юксалишида таржиманинг ўрни алоҳида, — деди Таржима ва халқаро адабий алоқалар кенгаши раисининг ўринбосари Мирпўлат Мирзо. — Бинобарин, ҳеч бир миллий адабиёт ўз қобиғидагина ривожлана олмайди. Бу ҳаммага аён ҳақиқат. Шу боис "Жаҳон адабиёти" журнали бадиий таржимага кенг ўрин бермоқда. Унда бугунги дунё адабиётининг энг нодир намуналарини беришга ҳаракат қиляпмиз. Лекин ўйлаб кўринг, йигирма миллиондан ортиқ халққа 1200 дона журнал етарлими? Бунга ижодкорлар кўпроқ эътибор бериши лозим.

Йиғилишда, бундан ташқари, "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Собир Ўнар, шоир Рустам Мусурмонлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

Йиғилиш сўнгида "Ёшлик" журналида "Устозлар ижодхонасида", "Ёш танқидчи минбари" рукнларини очиш, ёш ижодкорлар фаолиятига алоҳида эътибор бериш, улардаги янгиликка интилишни рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, ютуқлар мавжуд. Лекин муаммолар ҳам етарли. Энг муҳими, ижодкорлар адабий жараён хусусида шу таҳлит фикр алмашиб, мунозара-мубоҳаса қилиб турсалар, ижодий изланишлар муносиб баҳоланиб борса, шубҳасиз, бундай ҳаракатлар бугун бўлмаса, эртага ўз самарасини беради.

Ўз мухбиримиз.

ТАНИШ ЧЕҲРАЛАР

"Буюк санъаткор бўлиб туғилмайдилар, буюк санъаткор бўлиб яраладилар...". Ва... улар халқ кўнгли учун, муҳаббати учун... танланадилар. Бу бахт юки, бу муҳаббат осмонини кўтармоқ учун ҳам унинг жисмига осмоний руҳ берилади...

Агар шундай бўлмаганида, биз унинг кўзларидаги дунёдан ҳайратланмаган, овозидаги жон нафосатидан баҳраманд бўлмаган бўлардик...

Римма Аҳмедова...

Шундай содда ва улуғвор ном билан атаймиз бу Қалб Соҳибасини. У шу ном билан ҳаммага таниш ва севимли... Ҳаётимизнинг турфа онларидаги ҳайратимиз, юксалганимиз — Миллий театр саҳнасида яратган мутаассир роллари учун ҳам биз ундан миннатдормиз... ва қарздормиз.

Неча-неча образларнинг мукаммал қиёфасини биргина овоз руҳиятида, овоз воситасида етказиб бера олиш аслида юксак ижро маҳорати, санъаткорлик қудрати ифодасидир. Балки шу сабаб Римма Аҳмедова ижро этган роллар юракка яқин ва унутилмас.

Буюк сўзини ишлатишдан гоҳо чўчиймиз. Аммо унинг гўзал шахсияти қошида бу сўзлардан тийилмаймиз. Буюк рафиқа. Буюк она. Буюк актриса. Шу уч қирра битта шахсиятга бирлашганда янада ёрқинлашади: "Бетакрор инсон".

Саҳнада ва ҳаётда қалб умрини ҳалол, сабот ила яшаб ўтаётган етук санъаткор Римма Аҳмедова фаолиятини бир оғиз: "фидойилик" сўзи билан таърифлаш мумкин.

Санъатни илоҳий куч, саҳнани муқаддас даргоҳ билган актриса 40 йил мобайнида 100 га яқин ролларни ижро этди. Ижро этмади, балки уларга ўз қалбидан жон ато этди ва яшади.

Римма Аҳмедова ўз ижоди билан бизни бир йўлга — Аёл қалбининг буюклигига олиб боради. Биз бу буюкликка ҳамиша таъзим қиламиз... ва севамиз. Унинг ҳароратли нафаси ва нурли овозидан куч олар эканмиз, у ижро этажак кучли образлар ва ўзи ҳамиша талпинган Буюк Саҳна уни кутиб турганини шивирлаб айтгимиз келади:

Биз Сизни севамиз, Ҳазрати Аёл!
Сиз чиқиб келасиз —
Буюк Саҳнага.
Кўзингизда таниш дардларнинг исми.
Нафаслар тиқилиб келар юракка,
"Айтинг, фидоликми муҳаббат расми?"
Келасиз...
Гўё бир малика каби,
Пойингизда қулар тахтлар, қасрлар
Сизнинг жуда узоқ ташрифингиздан,
Ёришиб кетади йиллар, асрлар...
Дунё унутади ўзини...
Дунё талпинади яна нурли маъводай.
Сизни самолардан кузатиб қўйиб,
Худо ўзи севган Момо Ҳаводай!
Нигоҳлар оралаб ўтмоқ қийинми?
Сизни қайга элтар бу муқаддас йўл?
Биз-ку сизни севдик...
тағин севармиз —
Нечун кўксимизда йиғлайди кўнгил?..
...Сиз чиқиб келасиз...
Буюк Саҳнага...

Зебо МИРЗАЕВА

ҚУШИҚЛАР ТАНЛАНМОҚДА

Айни кунларда юртимизнинг таниқли санъаткорлари, театр жамоалари, хонандаю созандалар, фолклор этнографик ансамбллар мустақилликнинг 13 йиллиги тантаналарини муносиб ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. "Туркистон" саройида ўтказилган катта мусиқий тадбир ҳам шу санага бағишланди. Бу ерда республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизимида фаолият кўрсатаётган профессионал хонандаларнинг Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган янги қўшиқлари тингланди.

— Тинглаш жараёнида шу нарса яққол кўзга ташландики, — деди биз билан суҳбатда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори ўринбосари Анвар Жабборов, — аксарият хонандалар ўз дастурларини янги қўшиқ, оригинал ижро услуби билан бойитишган. Матн танлаш ва мусиқа борасида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб турибди. Шунингдек, янги номлар, яхши овозлар бор.

Кўрикдан ўтган энг сара қўшиқлар мустақиллик байрами тантаналарига файз киритади, деб ўйлаймиз.

ДИЛИМ ЯЙРАДИ

ЭЪТИРОФ

Ўтган оқшом "Зангори экран"да "Хониш" кўрсатувини томоша қилиб, очиғи, дилим яйраб кетди. Қанийди, шунақа самимий, дилга яқин, кўнгилни обод қиладиган кўрсатувлар кўп бўлса.

Таниқли ҳофизларимизнинг ўз устозларини ҳурмат билан эслаганлари, улар ижодининг ноёб, бетакрор қирраларини мухлисларга содда тилда, таъсирчан қилиб тушунтиришлари бағоят яхши бўлди.

Кўрсатув сўнгида янграган "Доғман" қўшиғининг янгича жўровоз ижроси менга Фарғона боғларини, Қўқон, Марғилон сайилгоҳларини эслатди. Бу қўшиқ эл орасида, жонли овозда айни шундай куйланган. Ҳофизлар ҳурмат маъносида бир-бирларига йўл бериб хониш қилишган.

Менга энг таъсир қилган нарса кўрсатув қатнашчиларининг камтарлиги, одоби, лутфи бўлди. Санъат бўстонига кириш, улуғ устозлар йўлини давом эттириш, бу йўлни янги маънолар билан бойитиш осон эмаслигини, афсуски, ҳозир кўп ёшларимиз унутиб қўйишган. Хали тўртта қўшиқни қойилмақом қилиб ижро этмаган, аммо юлдузлик касалига дучор бўлиб, саҳнада у ёқдан бу ёққа диконглаб юрганлар қанча!

"Хониш" кўрсатуви мусиқа инсонни камолга элтувчи, кўнгил боғини обод этувчи буюк илоҳий мўъжиза эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Бир мухлис сифатида кўрсатув ижодкорларига ўз миннатдорчилигимни билдирар эканман, уларга янги ижодий ютуқлар тилаб қоламан.

А.РАҲМОНОВ

Мирзо Улуғбек тумани

КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Республика Халқ ижодиёти маркази Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, вилоят илмий-педагогик ва илмий-методик марказлари ҳамкорлигида Маданият уйлари раҳбарларининг минтақавий республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида Бухоро, Навоий, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари маданият уйлари раҳбарлари қатнашдилар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари иш фаолиятини ривожлантириш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишда маданият уйларининг ўрни каби масалаларни муҳокама этдилар.

Тадбир якунида Шаҳрисабз шаҳар ва туман маданият саройининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари катта концерт дастурини намойиш этишди.

Азим РЎЗИЕВ

"ГАЛЛАБАНК" ҲАМКОРИНГ БЎЛСА,

ҲИСОБДАН АДАШМАЙСАН!

ЛИЦЕНЗИЯЛАР ҚАЙТАРИБ ОЛИНДИ

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши қошидаги Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳининг наёбатдаги йиғилишида концерт-ижрочилик фаолияти учун хонанда-созандаларга лицензия бериш билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда FM радио тўлқинлари орқали янграган баъзи қўшиқлар, хусусан, хонандалар Равшан Комилов ва Шаҳнозабону ижросидаги дуэт (матн муаллифи Мирза Карим) ҳақида матбуотда эълон қилинган танқидий мақолалар муҳокама этилди. Мазкур дуэтнинг матни ва ижроси саёзлиги, маънавий-ахлоқий қадриятларимизга мос келмаслиги таъкидлаб ўтилди. Матбуотда билдирилган танқидий фикрлар ва кенгаш аъзоларининг таклиф-мулоҳазаларига асосланиб, хонандалар Р.Комилов ва Шаҳнозабонуга берилган лицензиялар йил охиригача қайтариб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА ШАХМАТИ СОВРИН КЕРАКМИ? 6

БИРОВ БИЛДИ, БИРОВ БИЛМАДИ...

У, аслида, ўн йил кечикиб туғилган бола эди. Ўн йилда нималар бўлмади, дейсиз. Бормаган дўхтурлари, кўрсатмаган табиблари қолмади. Қуда-андалар муносабати бир музлаб, бир илиб, учириқ-қочириқ гаплар тўхтаб-тўхтамай турди. Ниҳоят, Оллоҳ иноятн билан, тўйларига роса ўн йил бўлганда ўғиллик бўлишди. Шунинг учун унга Орзумурод деб исм қўйишди.

Ота-онанинг шодлиги булутларга етгудек эди. Топган-тутганларини дастурхонга тўкиб, етти маҳаллага ош тортмоқчи бўлишди. Аммо дўст-қадрдонлари "Ҳай-ҳай, бола кўзикиб кетади, асло ундай қилманг, ҳар қанча хурсандчилик бўлса, қариндош-уруғ билан бўлгани маъқул", дейишди.

Аҳиқа тўйини яқин қариндошлар ўзлари ўтказишди. Биров эшитди, биров эшитмади.

Орзумуроднинг суннат тўйи ҳам чоққина ўтди. Отасининг елкасига омад қуши қўниб, юқори лавозимга кўтарилган пайт эди, бир-иккита ҳамкасби "Тўйни катта қиворманг, нозик жойда ишлаяпсиз", дея қулоғига аста шипшиб қўйишди.

Уйланганида, ўзи фарзанд кўрганида ҳам деярли шундай бўлди. Уч-тўрт сўм орттириб ҳовли қурмоқчи эди "Ҳай, биродар, ҳовлини нима қиласиз "дом"ингиз бўлса бор, дадангиз фалон жойда, ўзингиз пистон жойда ишлайсиз, гап-сўз бўлиши мумкин" дегувчилар кўпайди.

Гап-сўз бўлишидан чўчиб машина сотиб олмади, курортга дам олишга бормади. Эллик, олтмишга кирганини биров билди, биров билмади.

Набираси уйланаётганида ёшлар "Тўй фалон ресторанда бўлсин, фалон-фалон санъаткорлар келишсин" дея оёқ тираб олишди. Маслаҳатчилар "Дабдабанинг нима кераги бор, бунинг устига чиқими катта", дейишди.

Тўй маҳалла чойхонасида, маҳалла ҳаваскорлари иштирокида ўтди. Бировга маъқул келди, бошқа биров афтини буриштирди: "Ўл хасис, пулинг бўлса бор, тўй деганни тўйдай қилмайсанми?.."

Пенсияга чиқаётганида, ҳамкасблари маромига етказиб мақташди. Камтарлиги, камсуқумлиги, ўзини ўт-чўққа урмаслиги, бетга чопмаслигини алоҳида уқдириб, қўлига бир даста гул тутқазишди.

Шу гулни кўтариб уйига келди. Бекорчилик, кун санашга ўтди. Умрида биринчи марта касал бўлди. Узоқ ётиб қолди. Биров билди, биров билмади.

Ўтган йили баҳорда Орзумурод отанинг қазоси етди. Маҳалладошларидан бири "Сўнгги йўлга кузатиш маросимини ўтказамиз, кичкина митинг қиламиз, бир-икки киши гапирсин" деган эди, оқсоқол бу фикрга қўшилмади: "Дабдабани қўйинглар, жанозага митинг ярашмайди..."

Дафн маросими камтарона ўтди. Орзумурод ота камтаринлик билан "тўғри, худди шундай бўлиши керак", дегандай, қўлини кўксига қўйиб, қабрга беозоргина кириб кетди.

Отанинг хотира маросимлари чоққина бўлди. Биров билди, биров билмади...

МУСИҚА – МАЪНАВИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

Боши биринчи бетда.

Республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли мусиқа ижрочилари ва санъат арбоблари, етакчи педагог-мутахассислари консерваториямизда ишлашга таклиф этилаётгани, улар билан ижодий ҳамкорлик мусиқа ихлосмандларига алоҳида мамнуният бахш этаётганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўтган вақт давомида Ву Ман (АҚШ), Жан-Пол Десси (Бельгия), Гидон Кремер (Германия), Элизабет Хойнацка (Франция), Луиза Скандалетти (Италия), Владимир Спиваков, Юрий Башмет, Елена Образцова (Россия) сингари 100 дан ортиқ ижрочилар, санъат усталари консерваторияга таклиф этилиб, концерт бериш билан бирга талабалар учун "мастер-класс" дарсларини ўтказдилар.

2002-2003 ўқув йилидан бошлаб консерватория ҳузурида 125 ўқувчига мўлжалланган иқтидорли болалар академик лицейи фаолият юритаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бу ерда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган иқтидорли ёш истеъдод эгалари машҳур педагог-созандалардан сабоқ олмоқдалар. Бугунги кунда академик лицейнинг 1- ва 2-курсларида таҳсил олаётган 87 ўқувчидан 10га яқини турли нуфузли халқаро кўрик-танловларда иштирок этиб лауреат бўлишди.

Янги ўқув йилида яна 38 иқтидорли ўқувчи лицейга қабул қилинади.

Маданият ишлари вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази билан биргаликда ушбу лицейни, чолғу асбоблари, техник воситалар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-норматив ҳужжатлар билан таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Консерватория концерт залларидан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган "Мусиқа саройи"да "Замонавий мусиқа" халқаро фестивали, "Давр садолари" миллий мусиқа фестивали, "Мақом" ижрочиларининг республика кўрик-танлови сингари турли нуфузли анжуманларни ўтказиш, М.Йўлчиева, В.Спиваков, Ю.Башмет сингари жаҳонга машҳур ижрочиларнинг концертларини ташкил этиш яхши анъанага айланмоқда.

Консерватория ва "Ўзтелерадио" компанияси ўртасида яхши ижодий ҳамкорлик ўрнатилган. "Мусиқа" дирекциясининг "Анъаналар этади давом", "Ўлмас оҳанглар", "Эстрада тароналари" сингари кўрсатувлари консерватория мутахассисларининг фаол иштирокида тайёрланмоқда. Бевосита консерватория залларидан "Соз сеҳри", "Симфоник мусиқа дунёси", "Ўзбекистон бастакорлари" сингари кўрсатувлар ойда 2 марта тайёрланиб, эфирга узатилмоқда.

Мустақиллик байрамимизнинг 13 йиллиги арафасида биз ўз фаолиятимизни танқидий таҳлил этиб, олдимизга қўйилган ғоят масъулиятли вазифаларни янада тўла бажаришга қатъий бел боғлаганмиз.

Бахром ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон давлат консерваториясининг ректори

УЧУҚ НЕГА ТОШАДИ?

Фарзанд туғилган пайтдаги ота-она қувончини бир тасаввур этиб кўрайлик-а! Бу севинчни, шу бахтли ҳодисадан қониқиш туйғусини сўз билан таърифлаш қийин. Фақат фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлган, айниқса, ота бўлиш, она бўлишни зор-интизор бўлиб, узоқ кутганларгина буни қалбдан ҳис қила олади. Фарзанд одамнинг ҳаётдаги суянчи, таянчи, охир-оқибатда эса чироғини ёқиб, ўзидан сўнг эслаб-хотирлайдиган давомчиси ҳамдир.



Аммо туғилган боланинг тўрт мучаси соғ бўлмаса-чи? Бу ҳақда бола туғилмасдан, ҳатто она қорнида ҳомила ҳосил бўлмасдан олдинроқ ўйлаб кўрамизми? Айрим ота-оналар бошига иш тушгандагина нима қилишни билмай ўзларини у ёқ-бу ёққа уришади. Ваҳоланки, баъзан арзимаган бўлиб туюлган нарса она қорнидаги ҳомиланинг тўғри ривожланишига ёмон таъсир этиши мумкин.

Айтайлик, лабига учуқ тошган дўстимизга: "Қўрқибсан-а, нималардандир, чўчибсан-а", деб ҳазилмутойиба қиламиз. Борди-ю фарзанд кутаётган аёлда бу ҳол кузатилса, ўзи, турмуш ўртоғи бундан безовта бўладими? Ахир, ҳеч нарса, ҳеч нима ўз-ўзидан содир бўлмайди-ку!

Тиббиёт илмида учуқ "герпес" дейилади. У ҳомиладор аёл организмида маълум ўзгаришлар юз бераётганини, витамин етишмаётганини билдиради. Бу табиий равишда ҳомиланинг яхши ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Чақалоқ нимжон бўлиб, ҳатто чала, бирор бир камчиликлар билан туғилиши хавфи юзага келади. Бундай чақалоқ зудлик билан реанимация-жонлантириш бўлимига ўтказилади. Турли дори-дармонлар билан узлуксиз даволаш бошланади: жигар, юрак фаолияти яхшиланади, заруратга қараб қон томири орқали бола озиқлантирилади, сунъий нафас олдириб, ўпкаси тўхтовсиз шамоллатиб турилади. Чақалоқ ёруғ дунёга келиб, она ҳидини билмай, она сутини тотмай туриб, ҳаёт-мамот курашига киришади.

Узлуксиз олиб борилган даволаш-жонлантириш тадбирларидан сўнг чақалоқнинг соғлиги нормаллашиб, ривожлана бошласа, ота-онанинг бахти. Аммо даволаш учун қилинган барча саъй-ҳаракатлар самара бермаса, кимдан нажот излаш керак? У ҳолда ота-она аҳволини, уларнинг руҳий изтироблари тасаввур қилаверинг... Умид Яратганнинг ўзидан, деймиз-да, зада кўнгилга таскин бермоқчи бўламиз.

Кўпчилик туғруқхоналарнинг жонлантириш бўлимларига ўрнатилган ҳар бир аппаратнинг нархи қимматбаҳо хорижий автомобил баҳоси билан баравар бўлса-да, у чақалоқ соғлигини тиклашга тўла кафолат беролмайди. Бундай тилла баробар қимматли техникаларни ишлатиш, улардан самарали фойдаланиш учун малакали мутахассислар керак бўлади. Ана шу кучли билимга эга шифокорлар илғор тиббий техникаларни ишга солиб, даволаш ишларини олиб боришади. Маълум муддатдан сўнг чақалоқ тузалди, деган фикрда ота-она туғруқхонадан уйига қайтади.

Ўзимиз биладиган ўзбек хонадони. Қишлоқ уйлари, шаҳар ҳовлилари бир-биридан, шубҳасиз, фарқ қилади. Оила турмуши, санитария ҳолати, оила аъзоларининг шахсий гигиена талабларига амал қилиши, тиббий маданият даражаси — барчаси маълум, кам-кўсти ўзига яраша. Турли касаллик билан нимжон ёки чала туғилган боланинг кейинги тақдири туғруқхонадан сўнг ана шундай оиладаги она ихтиёрида қолади. Ота-онанинг тиббий билим даражаси, турмуш маданияти боланинг ўсиб, ривожланишини белгилайди, десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, боланинг тақдири, соғлиги оила муҳити билан чамбарчас боғлиқ.

Албатта, бу масаланинг бир томони. Дейлик, бола онадан туғма ногирон бўлиб дунёга келди. Унда нима бўлади? Бундай ҳодисалар ҳаётда камми? Унда гўдакни соғлом болалар сафига қўшишга на олий тоифали врач, на ноёб тиббий техника ва на соғломлаштириш технологияси ёрдам бера олади. Тақдирга тан беришдан ўзга чора қолмайди. Бироқ, бунга қайсидир даражада ўзлари айбдор эканликларини билган ота-она бир умр виждон азобида қолади...

Халқимизда "Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил" деган мақол бор. Ногирон ёки касалманд туғилган бола ҳақида ҳикоя қилишимиздан мақсад, шундай кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олиш, она-бола соғлигини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом инсонни камол топтириш борасида ҳукуматимиз белгилаган тадбирлар ва уларни рўёбга чиқариш учун олиб борилаётган ишлар аҳамиятини таъкидлаб, бунинг нақадар муҳим эканига яна бир бор эътиборингизни қаратишдир.

Хўжабой ЙЎЛДОШЕВ

ТАКЛИФ

Бугунги кунда театршуносликда ўзбек театри икки турдан иборат экани қатъий таъкидланмоқда. Бири — уч минг йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтиб, баъзи шакллари бизнинг давримизгача етиб келган ўзига хос анъанавий театр. Иккинчиси — XX аср бошида жадидлар томонидан тамал тоши қўйилган янги шакл-даги театрдир. Бу икки турдаги театр санъатини ўрганиш театршунослик фаниқаралган ва октябр тўнтариши қатъий чегара қилиб олиниб, шундан кейинги давр "ўзбек совет театри" деб аталган.

Октябр тўнтаришидан кейинги даврлар театршунослик ишларида мустабид шўролар тузуми мафкураси, адабиёт ва санъат ҳақидаги қатор янглиш, ноилмий қарорлар, кўрсатмалар таъсирида театр

ТЕАТР ТАРИХИ ҚАЙТА ТАҲЛИЛГА МУҲТОЖ

да икки йўналишни белгилаб берди. Тўғри, анъанавий театр билан М.Раҳмонов, Т.Обидов ва камина баҳоли қудрат шуғулланиб келдик, холос.

Бошқа барча театршунос олимлар янги театр тарихини ўрганиш билан банд бўлдилар. Бу тўғрида қатор монографиялар, ижодий портретлар, мақолалар яратилган ва нашр қилинган бўлса-да, бугунги кунда янги театр тарихи яратилган, бор адабиётларнинг аксар қисми илмий жиҳатдан ярақли, талабалар ва саҳна санъати ишқибозларига тавсия этса бўлади, деб айтиш қийин. Чунки уларда, аввалambор, янги театрнинг бошланғич даври ўзиб олиниб, "буржуа театри" деб жараёни, асарлар холис таҳлил қилинмади, тарихий-инқилобий мавзудаги ва таржима қилиб саҳналаштирилган ҳамда ижтимоий буюртма асосида юзага келган сиёсий асарларга ошириб баҳо берилди.

Янги ўзбек театри тарихини энди бир бутун ҳолда, холисона, объектив таҳлил қилиш ва баҳолаш театршунослик олдида турган энг муҳим вазифадир. Бундан кейинги тадқиқотларда миллий истиқлол мафкурасига, тарихийлик, бадиийлик, халқчиллик, ҳаётийлик, услубий ранг-баранглик тамойилларига таяниб иш кўриш муҳим, деб ҳисоблайман. Шу йўналишда истиқлол даврида тадқиқот ишлари бошланиб, дастлабки натижалар қўлга киритилди. Бу ўринда биринчи галда М.Раҳмонов томонидан тайёрланган Ўзбек миллий академик драма театрининг 1914-1960 йилларни ўз ичига олган тадқиқотини тилга олиш керак. Театр тарихининг иккинчи жилди М.Раҳмонов, И.Мухторов, М.Тўлахўжаева томонидан нашрга тайёрланган. Шунингдек, С.Турсунбоевнинг нашрга тайёрланган "Ўзбек театри тарихи хрестоматияси"ни, М.Тўлахўжаеванинг режиссурага, И.Мухторовнинг актёрлик санъатига, М.Ҳамидованинг мусиқали драма жанрига, С.Қодироваинг комедия санъатига, Т.Исломов ва Д.Раҳматуллаеванинг тарихий драма масалаларига бағишланган тадқиқотларини ҳам янги ўзбек театри тарихини объектив тадқиқ этиш йўлидаги муваффақиятли уринишлар, деб баҳолаш керак. Бир қатор ёш олим ва олималар янгиланиш даври (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йиллар боши) ва мустақиллик даври театр санъати жараёни, воситалари, муаммолари ва тенденцияларини ўрганиш билан банд.

Аммо ҳамон янги ўзбек театри тарихи яратилмаган. Тўғри, Ўзбекистон Бадиий академияси, Санъатшунослик институти олимлари томонидан XX аср ўзбек театри тарихи бўйича бир неча жилддан иборат тадқиқот яратилган. Аммо у ҳам қайта кўриб чиқишга муҳтож. Биргина "Истиқлол ва миллий театр" тўплами (2002) бундан мустасно. Унда илк бор театр тарихига янгича ёндашув, даврлаштириш масаласи, янги даврда театр санъатида рўй берган ўзгаришлар умумлаштирилган.

Менимча, янги театр тарихини яратиш бўйича "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Артмадад" жамғармаси танлов эълон қилиши ва танловга тушган лойиҳалардан энг яхшисини танлаб олиб, нашр қилиши зарур. Шундагина муаммо ҳал бўлади.

Муҳсин ҚОДИРОВ

Маҳкамой ТУРСУНОВА

АДАБИЁТ ҚАНДАЙ ЎҚИТИЛИШИ КЕРАК?

Мумтоз шеърият гўзаллиги, ҳикматга бойлиги, фалсафий, бадиий маънолар хазинаси эканлиги билан неча-неча асрлардан буён сеҳрли сўз мухлисларини мафтун этиб келмоқда. Табиийки, ҳар бир авлод бу шеърият дурдоналаридан ўз замонаси тақозосига кўра баҳраманд бўлган. Шеърий намуналар мактаб ва мадрасаларнинг ўқув дастурларига киритилган, махсус усуллар билан ўрганилган.

Бироқ бу ўлмас обидалар яратилган замонасидан узоқлашгани сайин уларни идрок этиш, тушуниш мушкуллашиб бормоқда. Аждодлардан қолган шеърий асарларни насрий баёнларга айлантириб ўқимоқдамиз. Мумтоз ғазалларимиздаги теран мазмунни, дард ва руҳни тушуниш, бадиий санъат ва ифодаларнинг сир-асрорини англашдан бебаҳра бўлиб қолмоқдамиз. Чунки мумтоз шеъриятнинг насрий баёни, шарҳи ҳеч қачон асл матн бадииятини тўла очиб бера олмайди.

Шундай экан, бугунги ёшларимизни шарқона шеъриятга яқиндан ошно қилмоқ учун қандай йўл тутмоқ керак? Эҳтимол, бадиий матнни қандай усуллар билан ўрганишнинг йўлларини излаб топмоқ керакдир. Ахир, аждодларимиз бу ишнинг уддасидан чиққанлар-ку! Улар кашф этган усуллар мадраса ва мадрасаи олияларда кенг қўлланилиб, ижобий самаралар берган-ку!

Хўш, ўтмиш маданий меросимизни, хусусан, ғазалиётимиз сир-асрорини талабаларга талаб даражасида очган усуллар қандай усуллар эди? Биз бу ўринда ўқитиш усуллари тарихи ва унинг аҳамияти ҳақида мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

Методика фанининг илк намуналарини динимизнинг муқаддас китоби Қуръони карим ўрганиш усулларида кўрамиз. Араб тилидаги бу ноёб асарни фақат араблар эмас, балки жуда кўп миллат вакиллари ҳам ўрганганлар, ёд олганлар.

Қуръони карим Шарқ мамлакатларидаги барча таълим муассасалари ўқув дастурларига асосий фан сифатида киритилган. Бундан асосий мақсад мусулмонларнинг диний эътиқодини мустаҳкамлаш, маънавиятини бойитиш, илмий тафаккурини юксалтириш бўлган.

Қуръондан сўнг эса Шарқ адабиётида кашфиёт яратган алломаларда Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Фузулий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил каби шоирлар ижоди ўрганилган.

Табиийки, бу бебаҳо асарларнинг матнлари мураккаб бўлиб, мударрислардан жуда кенг билим ва ўқитиш йўлларини олий даражада билишни талаб этган. Шунинг учун бўлса керак, мударрислар асрлар мобайнида Қуръонни ёки бошқа мураккаб асарларнинг асл моҳиятини талабалар онгига етказиш учун турли хил усулларни кашф этишга интилганлар. Шу боис амалда синалган ва ижобий натижа берган усулар алоҳида фан сифатида мадрасалар дастурига киритилиб, ўрганилган. Масалан, илми таҳлил, илми мунозара, илми қироат, илми шарҳ, илми нотиқлик... Бу усуллар асосан матнни теран тушуниш учун катта имконият берганлиги шубҳасиз. Акс ҳолда, "Қуръон"ни шарҳлаш, ҳисоблаш, таҳлил қилиш имконияти яратилмасди ёки Ҳофиз, Фузулий, Навоий, Бедил каби шоирларнинг фалсафий, тил имкониятларидан усталик билан фойдаланилган буюк асарларини аслидагидек англаб, таҳлил этиш, мунозара қилиш, бир сўз билан айтганда, мағзини чақишнинг иложи бўлмасди.

Адабиёт ўқитиш методикаси ҳақида махсус қўлланмалар бўлмаса-да, ҳар бир даврнинг донишмандлари ўқитишнинг зарурий йўллари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирганлар. Жумладан, Шарқда адабиётшунослик фани бир неча қисмларга бўлинган: илми бадеъ, илми тавсиф, илми аруз, илми қофия, илми иншо... Бу фанларнинг ҳар бирида ўрганишнинг бир-биридан фарқли усуллари қўлланилган. Биз мана шу ўринда Шарқда кенгроқ тарқалган ғазал жанрини ўрганиш мисолида таклиф-мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз.

Маълумки, мумтоз шеъриятимиз аруз вазнида яратилган. Бу вазн қарийб бир минг уч юз йилдан буён араб, форсий ва туркий адабиётларнинг асосий шеърий мезони сифатида қўлланилиб келмоқда. Ғазалнинг бунчалик кенг қўламли, умрбоқийлигининг сабаби — унинг мусиқийлиги, ҳаётни, инсон ҳиссиётларини сержило мисралар воситасида жозибадор ифодалашга қулайлиги билан белгиланади. Шу боис аруз илми кенг ўрганилган. Айрим манбаларда Дарвеш Мансур, Сайфиддин Бухорийнинг арузга доир асарлари дарслик сифатида қўлланилганлиги айтилган. Ҳар бир ғазалнинг шоир томонидан танланган вазни бўлади. Ўқувчи ғазал вазнининг руҳига тушиши лозим. Ғазал ўқилганда аруз вазнининг ўзига хос талабларига риоя қилиш, сўзни тўғри талаффуз этиш, узун ва қисқа ҳижоларга амал қилиш, мусиқий оҳангдорлигига эътибор бериш, муҳими, ғазалда қўлланилган сўзлар маъносини чуқур билиш лозим бўлади.

Ўқитиш жараёнида кенг қўлланилган шарҳлаш усули эса шоир сўз бойлигининг манбаини намоён этади. Бир сўз икки хил урғу билан ўқилганда бошқа-бошқа маъноларни ифодалайди. Шориҳ бир сўз, бирикма, урғули сўз, гап, ибора, ишора, тарихий маълумот, бадиий санъатларни шарҳлаш орқали шоирнинг тилдан фойдаланиш имкониятларини намойиш этади. Шарҳ аслида изоҳталаб сўзларнинг баёнини бериш учун хизмат қилса-да, жуда кенг маънони ифодалаган. "Шарҳ" арабча сўз бўлиб, 14 маънони ифодалайди. Масалан, Алишер Навоий Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарининг шарҳини ўқиганлигини, ундаги сўзларнинг ўта маънодорлигини эътироф этади.

ТАДҚИҚОТ, АХБОРОТ

Завқ кўп хушҳол этар эрди мени,
Шарҳи онинг лол этар эрди мени.

Қадимда кенг қўлланилган илми шарҳ усули сўз таъсири, у бахш этган лаззат ҳиссини етказувчи восита вазифасини бажарган. Илми шарҳ усулидан кейин навбат илми таҳлил усулига ўтган. Илми таҳлилни тўғри ва мукаммал ҳолда амалга оширишга илми шарҳ усули имконият яратган. Чунки сўзлар, иборалар, ишоралар, ташбеҳлар таҳлили бадиий фикрлар, ғоялар моҳиятини ойдинлаштиради.

Илми шарҳни ҳар бир талаба ўз имкониятига, билимига мос равишда ўзлаштириши мумкин. Илми таҳлилда ҳам бу ҳол ўз ифодасини топади. Айтайлик, бир мударрисининг ўн талабасига бир ғазални таҳлил этиш топширилса, табиий равишда, бир ғазалнинг ўн хил таҳлили вужудга келади. Турлича савия, дид ва услубда амалга оширилган таҳлиллар турли мунозарабаҳсларга сабаб бўлади. Чунки турлича нигоҳ билан таҳлил қилиш матннинг ҳартомонлама мукаммал ўрганилишига замин ҳозирлайди. Таҳлил жараёнида кимдир матнни илмий мушоҳада билан таҳлил этса, кимдир шоирона ижодий хаёл билан таҳлил қилади. Муҳими, матн таҳлиллари умумлаштирилганда, улар бир-бирини тўлдиради, шоир айтмоқчи бўлган фикр ёки аслиятга яқинлаштиради.

Мунозара илми талабадан бир неча тилни билишни, катта илмий салоҳиятга эга бўлишни, диний ва дунёвий илмлардан бохабарликни талаб этади. Шу сабабли ўқув дастурлари юқорида тилга олинган қомусий билимларни қамраб олишга мўлжаллаб тузилган эди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлимида бир нодир ҳужжат сақланади. Бу ҳужжат Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида 16 йил таҳсил олган Шамсиддин Муҳаммад исмли балхлик талаба номига берилган санад (шаҳодатнома)дир. Санад мадрасанинг бош мударриси Қозизода Румий томонидан 1435 йили берилган. Унда мадрасада ўқитилган китоблар ва ўтилган фанлар рўйхати келтирилган. Мазкур китоблар ва ўтилган фанлар катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, талабаларга қомусий илм беришга мўлжалланган.

Юқорида тилга олинган адабиётшунослик илмлари ҳар бир талабадан нотиқлик маҳоратини талаб қилган. Айниқса, мураккаб ва теран мазмунли шеъриятнинг нозик жиҳатларини англаб олишда мунозара илми ниҳоятда қўл келган.

Шуни ҳам айтиш керакки, мунозара орқали ғазалда қўлланилган китобат ёки ҳарфий санъат, тазмин, тарду акс, таносиб, ийҳом, тажнис каби бадиий санъатлар ҳам таҳлил этилади. Айниқса, муаммо ва ҳарфий санъатлар қўлланилган ғазаллар талабалардан математик ҳисобкитобни, маъноси беркитилган сўзни топишни талаб қилади. Чунки лирик меросимизда муҳим тарихий воқеалар, улуғ кишиларнинг тавваллуд ва вафоти саналари, йирик биноларнинг қурилиши саналари ва муддатлари шоир томонидан ўйлаб топилган сонни ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси орқали ифодаланган ҳамда бу абжад ҳисоби билан аниқланган.

Бир сўз билан айтганда, асрлар мобайнида қўлланилган ўқитишнинг шарқона усуллари ўзбек тилининг бой хазинасидан амалда фойдаланиш имкониятларини намоён этган.

Маълумки, ўқитишнинг муқобил усулларини кашф этиш ва амалда қўллаш ҳар бир давр маорифининг долзарб масаласи бўлиб келган. Шўролар даврида ҳам ўқитиш усулларининг турли хил кўринишлари амалиётда кенг қўлланилди. Методик қўлланмалар, жадваллар яратилди. Аммо улар ўзбек адабиётининг ўзига хосликларини талабаларга очиб беришда кутилган натижаларни бермади.

Мустақилликдан сўнг дарсликларни қайта тузиш, мумтоз адабиёт намояндалари ижодини кенг ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Дарсликка қўшимча равишда методик қўлланмалар, тавсиялар қисман яратилди. Бироқ мумтоз адабиётни ўрганишнинг мақбул усулларини яратиш, унга доир қўлланма, атамалар луғатини тузиш, матншуносликка доир масалалар ҳал бўлмай келмоқда.

Бугунги ёшларимиз компьютерларда ишламоқдалар, жаҳон тилларини қунт билан ўрганмоқдалар ва чет тилларда ўз она тилларида сўзлаётгандек бемалол сўзлашмоқдалар. Аммо ўзбек тилининг чуқур илдизларини ўрганиш, ўқитишнинг қадимий шарқона усулларидан фойдаланиш бугун ҳам ғоят муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

"ЭКОСАН" ҲИММАТИ

"Экосан" халқаро жамғармаси яқинда навбатдаги лойиҳа бўйича Навоий ва Бухоро вилоятларига сафар уюштирди. Лойиҳанинг моддий томонларини "Экосан" ташкилоти таъминлаган бўлса, Соғликни сақлаш вазирлиги малакали шифокорлардан иборат тиббий-амалий ёрдам кўрсатиш гуруҳини сафарбар этди.

"Саломатлик" поездида Навоий вилоятига етиб борган шифокорлар Учқудуқ ва Томди туманининг энг чекка аҳоли пунктларига йўл олишди. Бир-биридан 50-60 км узоқликда жойлашган Шолқар, Кўкпатос, Юзқудуқ, Мингбулоқ, Қулқудуқ қишлоқлари аҳолиси шифокорлар кўригидан ўтишди.

Вилоятда 5 кун давомида фаолият юритган шифокорлар 1000 га яқин беморларга тиббий хизмат кўрсатишди. Уларга тиббий тавсияномалар берилиб, зарур бўлганларни Навоий шаҳри ва пойтахт шифохоналарида даволашга келишиб олинди.

Шифокорлар Бухоро вилоятининг бир қатор туманларида ҳам фаолият олиб бордилар. Ҳар икки вилоят аҳолисига дори-дармон улашилди.



Ташкилотнинг кейинги инсонпарварлик лойиҳалари Қорақалпоғистонда бўлиб ўтади, шифокорлар сафари август ойига режалаштирилган.

Ғулом АБДУЛЛАЕВ

СОПОЛЛАРГА СИРЛАНГАН СИРЛАР

Пойтахтимиздаги Маданият карвонсаройида бир ҳафта давом этадиган «Эрон кулолчилик санъати» кўргазмаси намойиш этилмоқда. Ушбу маданий тадбир Ўзбекистон Бадиий академияси ва Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги маданият ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил қилинган.

Эронда кулолчилик санъатининг келиб чиқиши 8-10 минг йил аввалги даврларга бориб тақалади. Эрон ҳунармандлари томонидан яратилган кулолчилик буюмлари жаҳоннинг кўпгина музейларидан жой олган. Ислом мамлакатларида яшовчи кулоллар сопол буюмларга олтин рангда сир беришни (сирлашни) қадимдан қўллай бошлашган. Мана шундай сир бериш кейинчалик «хом заррин» номи билан машҳур бўлган. Масжид меҳроблари, сопол буюмлари ва кошинларни безашда шу усулдан фойдаланилган. Эронда бу турдаги кошин «Темурий кошин» деб номланади. Энг гўзал «хом заррин» намуналари Эронники ҳисобланади.

Кулолчилик ҳозирда Эронда санъатнинг энг нодир турларидан бирига айланиб қолди. Зеро, Эрон сопол буюмлари миллий ўзига хослиги, нафислиги билан ажралиб туради.

Мазкур кўргазмага ота-боболарининг қимматли ҳунарларини давом эттириб келаётган Суҳайл Шаъбоний ва Муҳаммад Маҳдий Анушфарларнинг кулолчилик санъатишиев)нинг севикли қизи Лола (Тамара Ҳазратқулова)га етишиш йўлидаги ғаройиб саргузаштлари асос қилиб олинган.

Режиссёр Фарид Давлетшин раҳбарлигида суратга олинган мазкур филм сценарийси Валерий Гусев қаламига мансуб. Постановкачи оператор — Ринад Галиев.

Филм намойишидан олдин комедияни суратга олган ижодий гуруҳ ва актёрлар билан қизиқарли учрашув бўлди.

Сардор АБДУЛЛАЕВ

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ТОМОША

Куни кеча Алишер Навоий номидаги санъат саройида "Келдию кетди" студиясида суратга олинган "Қизилжарлик Эшмат" филмининг тақдимоти бўлиб ўтди. Муҳташам залда бўш ўриндиқларнинг қолмаганлиги томошабинларнинг қизиқишини белгилайди. Комедияга омадсиз оддий қишлоқ боласи Эшмат (Валижон Шам-

"ҚИЗИЛЖАРЛИК ЭШМАТ"

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Республика «Тасвирий ойина» ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмалари мустақиллигимизни васф этувчи асарлар учун эълон қилган анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови давом этмоқда.

Унда ижоднинг барча соҳа вакиллари мамлакатимиздаги бунёдкорлик сурурини акс эттирувчи асарлари билан иштирок этиши мумкин.

Кўрик-танлов истиқлолимизнинг 13 йиллиги арафасида якунланади.

Ижодий ишлар шу йилнинг 10 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Республика «Тасвирий ойина» ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмалари.

Телефонлар: 144-57-24; 144-37-87

Дилмурод ҚУРОНОВ

АДАШМАНИ ТАНИТГАН АЎСТ

- Отабек "мен"и ва оғринган нафс
- Хаёлни забт этган "шайтанат"
- "Болаларини учириб кетган каррук уясидек бўм-бўш" қалб
- "Саодат қучоғига кирмоқ" орзуи

"Ўткан кунлар" романига киритилган уста Алим ҳикояси ҳақида кўп фикр билдирилган. Умуман, сюжет ривожида, ундаги қисмларнинг ўзаро мантиқий боғланишида, халқ оғаки ижоди ва мумтоз эпик традицияга хос "дўст" тимсолининг олиб кирилишида уста Алим образининг ўрни катта эканлиги шубҳасиз. Бизни бошқа масала, Абдулла Қодирийдек мутафаккир айрича аҳамият берган ушбу образнинг роман бадиий фалсафасини, адибнинг давр концепциясини ифодалашдаги роли кўпроқ қизиқтиради...

Қодирий ўзининг ижодий сажияси, характер хусусиятлари билан, масалан, Чўлпондан ёхуд Фитратдан жиддий фарқ қилади. Агар Чўлпон билан Фитрат 20-йилларнинг ўрталаригача қайноқ ижтимоий фаолият билан машғул бўлишганини, Абдулла Қодирий эса, бундай фаолиятдан тамом четланганини эътиборга олсак, бу фарқ яққол кўзга ташланади. Айтмоқчимизки, *Чўлпон билан Фитрат ижтимоий жараён ичида яшаган бўлсалар, ижтимоий жараён Қодирийнинг ичида яшаган.* Адиб ижодий эволюциясида воиздан санъаткорга айланиш жараёни нисбатан эртароқ бошлангани, 20-йиллар аввалидаёқ "Ўткан кунлар"дек санъат асарини дунёга келтира олгани ҳам бунинг далили. Абдулла Қодирий табиатан "фаолият кишиси" ("деятель") эмас, кўпроқ "мушоҳада кишиси" ("созерцатель") эдики, фитратидаги шу хусусият туфайлигина замонаси унинг учун бошқаларга нисбатан эртароқ эстетик объектга айланди...

Туғма санъаткорда (боз устига "мушоҳада кишиси" бўлса) консервативлик хусусияти устунроқ келади. Гарчи "консерватизм" сўзи ўтган инқилоблар асрида бирмунча салбий мазмун касб этган бўлса-да, аслида, яхши маънодаги консервативлик тараққиётда жуда муҳим — у эскилик билан янгиликни обдон қиёслашни, уларнинг барча мусбат ва манфий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишни, аста-секинлик билан олға силжишни кўзда тутади. Фикримизча, "Ўткан кунлар"да янги давр кишиси сифатида тақдим этилган Отабек билан эскича типдаги одам — уста Алим бир-бирига зид қўйилган. Албатта, ички зиддиятнинг мавжудлиги улар орасидаги ташқи мустаҳкам алоқани, яъни уларнинг қадрдон эканлигини инкор қилмайди. Негаки, биз назарда тутаётган зиддият диалектик тушунчадаги, бутуннинг ичидаги зиддиятлар бирлигидир.

Жадидчилик, маълум маънода, моддиюнчилик ҳам эди. Жиллақурса, инсон жамиятни ўзгартира олади, инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш мумкин, деган ғоя ёхуд Муҳаммадиёр (Чўлпон), Олимжон (Ҳамза) сингари образлар талқинидан келиб чиқувчи инсон ўз тақдирини ўзи яратади, тарзидаги қарашлар заминида моддиюнчилик излари сезилади. Ҳа, ўтган аср бошларида юзага келган шароит жамиятдаги шахс мақомини ўзгартирди, шахсни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фаоллаштирди, янгича, юқорида айтганимизча фикрлайдиган одамларни майдонга чиқарди. Улар янги ижтимоий шароитда шахснинг жамиятдаги ўрни, маиший аҳволи, келажаги кўп жиҳатдан унинг ўзига — ақл-идроки, тадбиркорлигию омилкорлигига боғлиқ бўлиб қолаётганини тобора теран ҳис этдиларки, бу тафаккур тарзининг ўзгаришига олиб келди. Қодирий талқинидаги Отабек янгича фикрловчи кишиларнинг қалдирғоч вакилларидан, дейиш мумкин. Отабек янгиликларни, ўзгаришларни қўмсаб, шундай орзу билан яшаётган одам. Унинг акси ўлароқ, уста Алимнинг ҳаёт тарзи, фикрлаш тарзи ўзгача — Худодан тилаб кундалик меҳнатини қилаверади ва бунга сари турмуши изга тушиб бораверади...

Отабек — "хон қизига лойиқ йигит" эканлиги шубҳасиз, буни марғилонлик ота қадрдонлари мажлиси ҳам якдил эътироф этади ва ҳатто илк учрашувдаёқ унинг тимсолида кучли рақибни кўролган Ҳомид ҳам ошкор тан олмаса-да, ичдан ҳис қилади. Муҳими, Отабек — ўз баҳосини биладиган, ўз қадрини баланд қўядиган йигит. Шу боис ҳам, гарчи Раҳмат билан суҳбатда "эр ҳам хотинга мувофиқуттабъ" бўлиши лозимлигини айтса-да, амалда бошқача бўлди — Кумушнинг тўй олдидаги изтироблари шундан. Хўп, буни Ҳасаналининг воқеалар ривожини тезлатиб юборгани, бемаслаҳат совчилиги-ю, Отабекнинг бехабар қолганига йўяйлик. Бироқ фикримизни қувватловчи бошқа бир нуқта ҳам бор: Ҳасанали совчиликдан сўнг "қутлуғ бўлсин" қилганида уни ташвишга солгани "қайси қизга" деган савол бўлди, холос. Тўғри, у бир муддат шошиб қолди, лекин гап ўзига муносиб қиз ҳақида эканлигини билгач, "тусида хурсанд ва хафалиги мажҳул бир ҳолат бор эди. Унашиш масаласига қарши турмаганидек, суйинчини ҳам ошкор қилмади..." Кўрамизки, Отабек буни табиий ҳодисадек қабул қилди, бу эса унинг ўзига баҳоси, эътимоди баландлигидан нишонадир.

Қизиғи, шунга ўхшаш вазиятга уста Алим ҳикоясида ҳам дуч келамиз. Фақат уста Алим учун Саодат — мўъжиза, Холиқнинг ажиб туҳфаси. Шу боис, узоқ вақт Саодатга оғиз солишга ботинмайди: "Саодатдек қизга уйланиш бахтига эришмакни ўзимга тасаввур қилолмасдим", дейди. Устанинг совчисини кутиб турганидаги ҳолати ҳам буни қувватлайди: "тинчий олмадим, ишка қўлим бормас ва бир жойда тўхтаб туролмас, у ердан туриб бу ерга ўлтурар, минг турлик хаёл билан довдир сифатига кирган эдим... <...> бир-икки бора Саодатлар эшиги ёнига бориб келдим <...> совчим чиқиб қолди-ку: юрагим орқамга тортиб кетди ва олдиға тушиб юрий бердим, чунки совчиға учрашиб ҳақиқатни онглаш ҳам менга душвор келган эди". Совчининг севинчли хабаридан сўнг эса "жиқ тўлган кўз ёшларимдан ҳам уялиб турмадим", дейди. Отабекдан фарқли ўлароқ, уста Алим учун Саодатга эришмоқ — Аллоҳнинг иноятн, "жиқ тўлган" ёшлар — шукроналик ифодаси.

Эътиборли жиҳати шуки, уста Алим ҳикоясини эшитган Отабек беихтиёр ўзини мезбони билан қиёслайди, бу эса, фикримизча, адибнинг сизу бизга ишораси, қиёслаб кўришга даъвати. Қиёслаб кўрайлик. Уста Алим ҳикояси меҳмонини шунчалар лол қолдирганки, у "қаршисидаги ерга сингибгина ётқан мужассам ишқдан кўз узолмай бошлади. **Устанинг** мозийсида эмас, **ҳолида улуғ бир маъно кўрар эди.** Аммо **унинг истиқболида бир бўшлиқдан ўзга ҳеч гап учрата олмаса-да, яна улуғ бир маъно кўргандек бўлар эди".** Хўш, бунинг сабаби нимада? Уста Алимнинг сўнг сўзларини эсласак, бунга жавоб топамиз: "Эндиги ўйлаганим фақат қайнимни уйлантириш, сўнгра... сўнгра юзни ёруқ қилиб Саодат қучоғига кириш..." Бизнингча, мазкур жумлага икки турли маъно юкланган. Сиртдагиси, уста Алим ёруғ дунёдаги вазифаларини тўкис адо этиб, маҳшар куни ёруғ юз-ла Саодат дийдорига етишмоқ орзусида. Тубдагиси, эҳтимол, адиб учун муҳимроғи ҳам шудир — фоний дунё саодати унинг ўзи каби ўткинчи, инсон фақат ўзига тақдир қилинган вазифаларни сидқидилдан адо этгачгина боқий саодатга эриша олади, тарзидаги шарқона фалсафа. Эътибор беринг: уста Алим "ўлмоқ" демайди, "омонатни топширмоқ" демайди — "саодат қучоғига кирмоқ" деб айтади. Фоний дунёда насиб бўлмиш саодатни Аллоҳнинг иноятн дебгина тушунган ва унинг боқий дунёдаги саодатидан умидвор одамгина шу хил ўйлай олади. Эҳтимол, шундандир, Қаноатшоҳ мактубида "Отабек яна бир киши билан <...> биринчи сафимизни олди <...> шаҳид бўлди" дейилади, бирон-бир жойда уста Алим дейилмайди, шунга қарамай ўша "бир киши"нинг уста Алим эканлигига шубҳа қилгувчи одам топилмайди. Зеро, уста Алим учун бу ҳам боқий "саодат қучоғига кириш" йўлидаги яна бир қадамдир...

Мавзудан бироз четладик, яна Отабек мушоҳадаларига қайтсак. Отабек "ўз истиқболини шу устаники қабилидан кўрмакчи" бўлади, лекин бунга бир "ўлди" сўзи етишмайди. Чуқурроқ мулоҳаза қилгач эса, ҳатто ўша етишмаётган "ўлди" сўзини қўшқан билан ҳам уста Алим бўлиш қийинлиғини онглай бошлади". Хўш, бунга нима монелик қилади? Отабекнинг изоҳи шундай: у "Кумуш томонидан сўкилган ва ташланган эди. Ҳолбуки, Саодат сўкмаган ва ташламаган <...> уста Алим қайин отаси томонидан шайвонча қувланмаган... ва қайин ота томонидан қуяв йўлига тузоқ қўйилиб, Саодатни чиқариб олиш фикрига тушилмаган, яъни ораға шайтанат ораламаган". Ораға шайтанат оралагани бор гап. Бироқ шуниси эътиборлики, бу ўринда "шайтанат" сўзига Отабек бир турли, ўқувчи бошқа бир турли, муаллиф тағин бир турли мазмун беради. Табиийки, сюжет воқеаларини кузатиб келаётган ўқувчи учун "шайтанат" — Ҳомид ва унинг ҳамтовоқлари. Ҳомид найрангларидан бехабар Отабек наздида эса "шайтанат" қайнотасининг дилига оралаган: иккинчи уйланишига рози бўлгани, тўйни ўз қўли билан ўтказиб келиши ҳам шундан. Хўш, муаллиф-чи, у қандай мазмун юклайди бу сўзга? Адиб қаҳрамони чиқарган хулоса ҳақида "сўнгги фикрни ул ўйламаган жойдан илҳом қабилидан тўқиб олгон эди", деб ёзади. Яъни Отабекнинг миясига ўрнашиб олиб, то сир очилгунга қадар тарк этмаган фикрни адиб "тўқиб олингон", деб айтади. Бошқача айтсак, "шайтанат", аввало, Отабекнинг хаёлини забт этган эди. Хўш, нима учун Отабекдек йигит "шайтанат"га бўй берди? Бунинг сабаби яна унинг ўзига берган баҳоси, ўзига эътимоди юксаклигида. Қутидор томонидан ҳайдалган Отабекнинг нафси оғринди, оғринган нафс "шайтанат"га хотир қалъасини очиб берди. Ўзини камситилган ҳисоблаган Отабекнинг "юраги болаларини учириб кетган каррукнинг уясидек бўм-бўш" эди, деб ёзади адиб. Тўғри, унинг Кумушга бўлган муҳаббати йўқолмади, лекин оғринган нафс уни буткул искажга олган — фалажлантириб қўйган эди. Кейинроқ оқила Кумушбиби хатида "икки йил бўйи Марғилонга келиб юришларингизни мен ўзимча ешдим, лекин топиб ешдим: сизнинг барча машаққатларингиз — душманларингиздан ўч олиш бўлғонини онгладим. Йўқса мени кўрар эдингиз...", деб ёзганида қисмангина ҳақ эди. Қисман дейишимизнинг боиси, душманларидан ўч олиш истаги Отабекда икки йиллик саргардонликнинг сўнгги кунларида, душманини таниб олганидан сўнггина пайдо бўлди. Кумушнинг ўпка қилганича бор: ахир, Отабек у билан учрашиш, муносабатларини ойдинлаштириш пайидан бўлмади-да! Хўш, унда икки йиллаб саргардон юришдан муддао не эди? Бу савол бир Кумушни эмас, Мирзакарим қутидорни ҳам, Юсуфбек ҳожини ҳам таажжубга солиши бежиз эмас.

Хўп, "сир очилди", Отабек душманларидан ўч олди, уста Алим айтмоқчи, "уларнинг тотиқларини хўб боплаб берди". Тақдирнинг ўйинини қарангки, у Отабекни уста Алимга дўст қилди, шунинг шарофатидан унга душманини танитди. Хўш, Отабек бундан тегишлича хулоса чиқаролдими? Фикримизча, йўқ. У ҳамон бўлиб ўтган ишларда тақдирнинг қўлини эмас, ўзини, ўзининг саъй-ҳаракатини олдинга қўяди. Хайрихоҳ қотил хабарини Қутидорга етказаркан, уста Алим "Ҳаммаси ҳам тақдирнинг иши, амак, бу борада сиз билан маним ҳеч бир ихтиёримиз йўқ", дея унга таскин беради. Қутидорнинг "Мендан ўзи хафа бўлган бўлса, ораға киши қўйса ҳам бўлар эди", деган ҳақли таажжубига жавобан уста Алим дўстининг "**Ўзимга** ишонмаган киши, киши сўзиға кирармиди" қабилидаги андишасини омонат етказса, Юсуфбек ҳожининг "шунча муддатдан бери нега хабардор қилмадинг?" деган саволига Отабек "**мени** шу вартага ташлаган дўстларимдан мўмкин сўраш маъқул кўринмади", дея жавоб беради. Эътибор беринг: ҳар икки ҳолда ҳам "мен" олдинга чиқиб, бўртиб туради. Беихтиёр ўйлаб қоласан: Отабек учун юзага келган чигалликни ҳал қилиш муҳимроқмиди ё оғринган нафсни қондиришми? Бунга аниқ ва қатъий бир жавоб айтиш мушкул кўринади. Негаки, нафснинг оғринган шунчаларки, уста Алимнинг айтишича, Отабек Қутидорнинг қизи бўлгани учун "суйган хотинидан ҳам кечмакка қарор берган". Тақдирнинг тасодифи боисгина Отабек душманини таниди, нафсни қондирган ҳолда чигалликни ҳам ҳал қилиш имконига эга бўлди. Унинг Қутидорга ёзган хатидаги биргина "ҳайдалган" сўзи, Қумушга аталган мактубдаги тафсилотлар зимнида ўша қоникиш ҳисси сезилиб туради...

Ҳар икки қаҳрамон севги қиссаларининг бирдек фоже якун топиши бунда атайинлик моменти, яъни қиёслаш ва қиёслашга ундаш бор, дейишимизга асос беради. Уста Алим Саодатга етишувини Аллоҳнинг иноятн деб билди, ундан айрилганида сўнгсиз изтироб чекди, кўзларидан шашқатор ёшлар оқизди. Тақдири илоҳийга кўнмай иложи борми — кўнди, "ҳолида улуғ бир маъно"ю юрагида чўнг армон, хаёлида "Саодат қучоғига кирмоқ" орзуи билан яшади. Шу боис ҳам унинг изтироби кишини юксалтиради, кўз ёшлари тозартиради, армони нурга йўғрилган. Отабек Кумушга етиш бахтини тақдирдан демаганидек, ундан айрилишини ҳам тақдирдан билмади: унинг-да юрагида чўнг армон бор-у — нурдан мосуво, унинг юрагида нурнинг ўрнини задалик, аччиқланиш, нафрат эгаллади. Шу боис ҳам: "Қутидор видолашиб аравага чиқганда кўча тарафдан Отабек келаверди, келиб отнинг жиловини ушлади ва отнинг устига минган Ҳасаналига — "тушинг отдан!" деди. Ҳасанали отдан тушди. Отабек иргиб отқа минди ва Қутидордан сўради:

— Отни ҳайдайми?.." Шу кетганича бир йилдан сўнггина Тошкентга келди, ота-она "оғиз очиб ундан ранжий олмадилар <...> На отаси ва онаси билан очилиб сўзлашмади <...> бундан сўнг Отабек Тошкентга қайтиб келмади, бир неча қайта Ўзбек ойимнинг ўзи Марғилон бориб келди..." Зарда кимга эди? Аччиқ кимга эди? Ота-онагами ва ё тақдирга?.. Мағфиратли Аллоҳнинг бандасидаги бунчалар кину кечирмаслик нимадан?.. Бундан-да "шайтанат" нафаси уфурмайдими?!. Калтакнинг бир учи ЎЗИга тегаркан, иккинчи учи калтак кўтарганга тегмайдими?..

Сўзимиз аввалида уста Алим ҳикояси адибнинг давр концепциясини ифодалашида муҳимлигини айтгандик. Абдулла Қодирий ўз давридаги, давр кишиларидаги ўзгаришларни мушоҳада қилиб, ўзининг ақл-идрокию кучига ишонган янгича фикрловчи одам ҳам, эскича фикрловчи одам ҳам номукаммал, деб билди. Икки ёрти бир бутун демоқчидек, иккисини қадрдон, ҳаммаслак, қисматдош қилди ва охирида иккисини "қўшиннинг олдинги сафи"га қўйди. Яхши маънодаги консерватизм шудир. Зеро, биз ўтган аср адоғида инсонга сиғиниб, инсонларга — фирқага сиғиниб яшаган одамларнинг руҳан синганига, қалблари "болаларини учириб кетган каррук уясидек бўм-бўш" хувиллаб қолганию бу бўшлиқни нафрату норозилик эгаллаганига гувоҳ бўлдик. Уста Алим ҳикоясининг киритилиши гўё шундан башорат, буюк санъаткор дилига ғойибдан солинган ҳақиқатнинг ифодаси эди.

ЎЗБЕК РОМАНИ: КЕЧА ВА БУГУН

ЙЎЛЛАР САДОСИ

Яқинда Сайёрнинг бисотимдаги китобларини варақлаб ўтирар эканман, хаёлимдан "шоир адабиётшунос ва танқидчиларга анча-мунча ноқулайликлар туғдирган экан-да!" деган фикр йилт этиб ўтди. Маълумки, бадиият илмида "умумлаштириш", "типиклаштириш", "тўқима" сингари ўнлаб тушунчалар бўлади, ижодни ўша "жилов"лар ёрдамида тушунтирилади ва бошқарилади. Сайёр эса, шеъриятдаги дастлабки қадамлариданоқ, сўз билан суврат чизиш учун, кўз ўнгидаги ҳаётнинг ўзини ҳаяжонлантирган лавҳаларини қоғозга иложи борича аниқ тушириш учун ҳаракат қилган. Мана, кўринг:

Тут бошига болта солдилар,
Усар эди гуркираб, яшнаб.
Шохни қирқиб,
Жўнаб қолдилар,
Яланғочлаб... кетдилар ташлаб.

Бу фақатгина тасвир эмас. Кимдир бунда табиат манзарасини ёки ипак қуртини боқишнинг оқибатини кўрар, бошқа биров эса қўшни қизнинг тақдирини: айниқса, шеърият рамзий ишоралар санъати эканлигини тушунганлар.

Жонли табиат қатламларини ёритар экан, Сайёр турфа кайфиятларга ғарқ бўлади. У боғ кезаркан, боғдаги ҳайвонот оламининг руҳиятини кўраркан:

Нега ўтдек чақнамас маймун?
Нега тикка ташланмайди шер—

деб савол беради ўзига-ўзи. Кейин кўзи қанотлиларга тушади:

Нега бургут қовоқ уйган жим,
Қанот қоқмас чўққини кўзлаб?

Яна нарироқ борса:

Айёр тулки, қуйруғи гажак,
Қиё боқмас қўшни товуққа...

Албатта, шоир анойи эмас. Бу ҳолат "менда рашкли уйғотди ҳавас" деса ҳам, у биладики, гап бошқа нарсада: жонивор бечоралар қафасда кун ўтказишади. Қанот ёсалар панжарага тегиб қолади. "Ҳаммалари бир боғда" кун кўрсада, "тинчликда, тотув" яшашса-да, ҳар бирининг фақат ўзига хос хислатлари "дазмолланиб" кетган: улар ўзлигини йўқотган махлуқлардир.

Хайрият, бу дунёда умид ва меҳр-оқибат илдизи қуриб битган эмас. Шоир изғиринли кунларнинг бирида қизи Шоҳина денгизга қараб, балиқларнинг сувда қотиб қолишидан қайғуриб

ЁДНОМА

ўтирганини кўриб қолади.

Балиқлар совуқда қолибди, қаранг,
Олиб чиқинг сувдан, дада, исинсин, —

дейди қизи типирчилаб. Лутф, дард ва яхшилик истаги қоришиб кетган ушбу жумладан кейин ўқувчи кўнгли ёришади, шундай фарзандлар бор экан, кўп фожиаларнинг олди олиниши мумкинлигига, оламнинг ёрқин келажаги борлигига ишончи ортади.

Биргалашиб ўтказган шеърхонликларимиздан бирида "Исмингизни Сайёр қўйишганига сабаб нима" деб берилган саволга "Мен йўлда туғилган эканман. Шунинг учун ота-онам исмимни Сайёрпўлат деб қўйишган", деб жавоб берган эди шоир. Бу чинми, ҳазилми, аниқ айтишим қийин. Лекин китобларини варақлар экансиз, унинг бутун умри йўлларда ўтгандек туюлади.

Эътибор беринг: славян халқлари насронийликни қабул қилганининг 1000 йиллиги ўн беш йилча бурун байрам қилинди. Сайёр Украинадан меҳмон бўлиб қайтгач, бир туркум шеърлар яратиб, бундан ўттиз беш йил аввал Киев халқи "Хрешчатик" (шоир "чўқинув" сўзини украинча ифодалайди) кўчасидан қуйига тантанавор юриб, Днепрнинг тўлқинли сувида қандай руҳий поклангани ҳақидаги лавҳаларни яратди. Ҳарбий хизмат йўллари машаққатли бўлсада, шоир у даврни

Икки йил
икки кун эмас ҳар қалай,
Икки йил оёқда ўтди ҳаётим, —

деб шарҳласа-да, солдатлик йиллари унинг тасаввурини ўзга олам ва янги одамлар турмуш тажрибаси билан бойитди.

Рязандан нарида, ўрта қишлоқда
Бир масжид турибди,
гиштин нақшинкор, —

деб бошланган ҳикоятда Сайёр бир аср бурун бир аскарбоши томонидан асир қилиб олиб кетилган, лекин ўз ёри ва ўз эътиқодига заррача хиёнат қилмай, бевафоликдан кўра ўлимни афзал кўрган қоракўз ватандошимиз қисматини баён этади. Аскарча кирза этик билан босиб ўтган йўлларида у қанчаданқанча номсиз ва нишонсиз қабрларга дуч келади. Қабр олдида бош эгаркан:

Бу ерда йўқ ахир номаълум кимса,
Бунда ётишибди аниқ солдатлар,

дейди у эҳтиром ила: хотира ва қадрлаш маросимларида ҳаммамиз такрорлайдиган сўзларга нақадар ҳамоҳанг! Бу йўлларда шоир икки иқлим шеъриятининг баҳсига гувоҳ бўлади.

Уйғонади наво,
наво,
наво,
Навоийни чорлайди Райнис.

Кейин эса:

Райнис куйлар,
Тинглар Навоий...

Сайёр шеъриятга шоир Ғайратийнинг этагини тутиб кирган эди. Йиллар ўтиб, билим олишни Москвадаги Адабиёт институтида оташин лирик Ярослав Смеляков семинарида давом эттирди. Муҳими шундаки, устозларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз шогирдларини, аввало, ўз Ватани, ўз улуғ аждодларини севишга, улар билан ғурурланишга, бу муҳаббатни лўнда қилиб айтишга ўргатарди. Худди ўз таржимаи ҳолини тушунтираётгандек:

Ўзбекман,
Ўзбекман,
Она тупроғим
Аму билан Сирнинг қучоқларида, —

дейди Сайёр ва давом этади:

Қайда бўлмай, Ўзбекистоним
Қиёфасин қидирмоқ одат.

Мана, ўшандай манзараларнинг бири:

Тоғ устида новча бир терак.
Ой ёнади унинг учида.
Тунда бир шам ёнади...

Албатта, дардсиз инсон бўлмайди. Сайёр дардини элга овоза қилиб юрадиганлардан эмасди. Масалан, ҳарбий хизмат даврида уларнинг қисмига атом бомбаси синовлари ўтказилаётган майдонда бўлиш, ажалнинг кўзига боқиш "насиб" этган экан. Унинг умрини қисқартган ҳам шу нарса бўлиши мумкин. Шоир бу тўғрида фақат энг яқин кишиларининг қулоғига, фақат шивирлаб айтганидан хабарим бор. Дўстим, шунинг учун эҳтимол, ҳаётни, тирик жонни бошқалардан қўра кўпроқ қадрларди. Унинг

Қорни базўр кечиб, тулки ўтиб қолди,
Мунчоқ кўзларини тикди менга жим.
Яна қор қўйнига шўнғиб йўқолди.
Овчи кўрмасин, деб ёнарди ичим, —

дегани ҳавойи гап эмас. Илмий-техник ривожланиш мевалари еру кўкни илматешик қилаётган шароитда у собиқ жангчи сифатида:

Кўкнинг тинчлигини
бузмоғимиз бор,
Ернинг тинчлигини
ҳеч ким бузмайди, —

деб кафолат беришдан ҳам тоймасди. У одам боласининг яратувчилик кучига ишонарди; ҳар бир кишини денгизга таққослаб, дўстларини туташ денгизларга ўхшатарди, улар бир-бирларидан узилиб, қўлга айланиб қолишини истамасди асло. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Ҳамид Ғуломнинг бир фикрини эслатгим келаяпти: "Сайёр ва унинг тенгқурлари ижодини кузатиб борган киши ўзбек поэзиясига кириб келган бу авлод эндиликда ундан мустаҳкам ўрин эгаллаганига, умуман, адабиётимизни бу ажойиб талантларсиз тасаввур этиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилади, — деб ёзади у ва ўн бешга яқин ёш ижодкорларнинг номини тилга олгач, хулоса чиқаради. — Буларнинг шеър, достонлари адабиётимизнинг кўрки, салмоғи бўлиб боряпти". Дарҳақиқат, 1957 йили устоз Миртемирнинг "Сурат" достони туғилиб, бу соҳада янги йўналиш кашф этгач, Адабиёт институтининг икки талабаси — Сайёр ўзининг "Бошсиз ҳайкал"и билан, Азиз Абдураззоқ ўзининг "Йўллар"и билан достончилигимизда лиро-эпик услубнинг ривожига биринчи бўлиб ҳисса қўшган ижодкорлардир.

Сайёр ҳаётлигида кўп мақтов эшитмади. Бунга муҳтож ҳам эмасди. У ўз қадрини ўзи биларди:

Улимдан қўрқмайман,
Баҳоли қудрат
Шеър ёздим,
ишладим,
гоҳо чарчадим.
Гоҳида йўллардан ўтдим ҳам мудраб,
Қолиб кетмадим ҳам
аммо барчадан, —

дейди у ва атрофига кўз югуртиради:

Шукрки, дўстимни қўймадим якка,
Умр йўлдошимга суртмадим қора.
Қиғдирдим азобни ўзим юракка,
Узгалар қалбини этмадим яра.

Шоир шундай яшаб, "Парвона", "Фидойингман", "Қалб ҳарорати", "Бир кеча хаёли", "Менинг Россиям", "Ҳулкар", "Ўттиз ёшим", "Денгиздан томчилар" сингари йигирмадан ортиқ шеърий ва насрий китоблар яратди. Ёзганларининг анча-мунчаси рус тилида чиқди. Юқорида уларнинг мазмуни ҳақида имкон борича ҳикоя қилдик. Сайёр шеър шаклига ҳам эркин кўз билан қарарди: сатрларнинг жонли тилдан туғилган вазни, қўшалоқ қофиялар худди бугун — ижод янги кенгликларга қадам ташлаган даврда туғилгандек навқирон янграйди. Албатта, бунақа нарсаларни сўз билан тушунтириб бериш мушкул. Бунинг учун, менимча, шоирнинг давр имтиҳонидан ўтиб, сараланган асарларини тайёрлаш ва нашр этиш маъқулроқ бўлса керак. Сирасини айтганда, бундай китоб айни шу кунларда, шоир ёши етмишга етгани муносабати билан ўқувчи қўлига борганида зўр иш бўларди. Майли, хайрли ишнинг кечи бўлмайди: ҳурматли, бағрикенг "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниямиз омон бўлса, бу орзумиз ҳам ушалар, албатта...

Хусниддин ШАРИПОВ

ХХ АСР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ

КЕЛАЖАККА АТАЛГАН ШЕЪР

Ўтган юз йилликда жуда кўп шеърлар ёзилди. Алишер Навоий замонидан бери тараққий этиб келаётган ғазалнависликдан фарқ қилган ҳолда бармоқ вазни урфга айланди. Ҳақли равишда бу янги шеъриятнинг ибтидоси эди. Негаки, миллий назмга рус ва шу орқали Оврўпо шеърияти ўз таъсирини ўтказмоқда эди. Ҳар қалай, йигирманчи асрнинг биринчи ярми турли-туман тажрибалар қуршовида кечди. Аммо коммунистик фирқанинг адабиёт устидан якка ҳокимлиги мазкур ҳолатнинг тўла намоён бўлишига имкон бергани йўқ. Шоир усулуби, усул дунёси қаттиқ назорат остига олинди. Фирқа дастёри сифатида шоир кун тартибига чиққан масалаларни васф этмоғи даркор эди. Ўша ҳол қандай оқибатларга олиб келганлигини бугун очиқ-равшан кўриб турибмиз.

Бироқ ўтган аср шеъриятини синчиклаб ўргансангиз, чинакам истеъдод даҳоси билан яратилган шеърларимиз ҳам оз эмас экан. Ахир, ёзилганидан қирқ-эллик йил ўтгандан сўнг ҳам мутахассислар тарафидан ихлосу иштиёқ ила ўқилган шеър мангуликка дахлдор ҳисобланади.

Мана улардан бири. Бу шеър 1964 йилнинг 28 декабрида ёзилган. Номи ҳам оддийгина: "Қор". Савол туғилади: қор ҳақида нима ёзиш мумкин? Ҳамма кўриб юрган ҳолат — паға-паға қор. Унинг совуқлигини, кўзни қамаштирадиган даражада оқлигини биламиз. Аммо... Шоир нигоҳи биз илғамаган қирраларни кўради:

Она ғознинг тўши каби юмшоқ қор
Сукут билан қуйилади сарбасар...
Борлиқ вазмин уйқу ичра бехабар,
Ёки осмон туллаб, тўзитмоқда пар,
Киприкларнинг момиқлардан юки бор.

Юмшоқ қорнинг сукунат ичида қуйилиши осмоннинг туллашига ўхшатилмоқда. Осмон аввалги йилдаги ранг-жилоларидан фориғ бўлиб, Янги йилга тараддуд кўрмоқда. Қор зарралари киприкларгача кўнган. Демак, шеър фақат табиат манзараси тасвири ила чегараланмайди. Энди эса:

Узоқларга боқар сузук кўзингиз,
Нуқтадай тор қорачиқдан оқар нур...
Дала-тузнинг кўркамлиги нур-биллур,
Елкалардан босар енгилтак сурур,
Бир бурда қор салмоғича ўзингиз.

Қаранг, қанчалик нозик ўхшатиш: "бир бурда қор салмоғича ўзингиз". Нега? Чунки, ялтираб ёғаётган қор завқ-шукуҳи елкасидан "босгач", лирик қаҳрамон қушдек, бир бурда қордек енгил тортади. У она замин билан осмон муштараклигини ана ўша оқликда кўради. Заргарона тасвир!

Жимлик ичида кечаётган мазкур манзара олдида ҳатто кўклам зеб-зийнати ип эшолмайди. Яъни:

Унутилар олам-олам алвон ранг,
Ёруғликдир коинотнинг энаси,
Санчиб ўтар ҳар учуриқ игнаси,
Сутдай оппоқ боғ-бўстоннинг сийнаси!
Гўё кўклам чаманида ранг-найранг.

Бу ўринда шоир қаршилантириш усулини қўлламоқда. Ёруғлик коинотнинг онаси экан, демак, ҳақиқий зеб-зийнат қорнинг оқлигидир. Қор боғ-бўстон сатҳини гўё сутдек чулғаб олган. Ўша манзаралар кўкламнинг ранго ранглигидан устун. Баҳорги ранглар алдамчи ва ўткинчи. Фақат оқлик мангу.

"Қор марварид қипиғидай қуп-қуруқ. Ҳурпанади бир зум олдин босган из", дейди шоир ва шу ўринда замин тасвиридан қўл олиб, осмон мадҳига кўчади:

Кўк супраси ёйилгандир теп-текис,
Тўй оқшоми инжу таққан етим қиз —
Мажнунтолнинг маржонида булдуруқ.

Қор ёғиши, оқ нурлар рақси, ерга марваридлар сочилиши — буларнинг барчаси тўй удумига қиёсланади. Бир чеккада бош эгиб, инжу таққан мажнунтол эса етим қизга ўхшатиладики, "етим" атамаси шоир учун доимий кўчма образ эканлигини биламиз.

Шеър аввалида қор она ғознинг тўшига ўхшатилган эди. Бешинчи бешликда эса шоир "Оқ кўзининг сиртидаги баррадек, Эланади зарра-зарра беғубор" дея бошқачароқ қиёсга ўтадики, бу ҳам бежиз эмас. Чунки бу усул ифодани тағин-да кучайтиради:

Учиб келиб тушгунича қалтирар,
Қафтга қўниб, эриб титрар, ялтирар,
Ёш боланинг мижжасида қатрадек.

Эътибор қилинг: шеърда бирорта шунчаки мисра тўлғазиш мақсадида қўшилган сўз йўқ. Шеърда қор ёғиш мароми ритмда ифодасини топмоқда. Худди шоир она табиатга қараб ёғаётган қорни сўз-бўёқ воситасида оқ қоғозга чизмоқда. Шунча нафислик, шунча гўзаллик ва латофат! Аммо бу манзара ўткинчи. Қор ёғмоқда. Лекин қай алпозда: "Пора-пора совургандек елларга — Вафосиз қиз ёр мактубин майдалаб — Қиров каби қилтириғи тимдалаб, қор ёғади тинмай парда — пардалаб, Бир мунтазам зарб бахш этиб дилларга". Оҳангнинг кучайиши худди қор қуюни зўрайганига ўхшамоқда.

Умрнинг вафосизлигидан шоир бадбин хаёлларга бормайди. Чунки у гўзалликдан, оқликдан, ёғдудан сармаст. Хаёлига бошқа нарса яқин йўламайди. У ўша манзараларни катароқ шаклда кўришни истамоқда:

Сутда мойдек сингиб кетган офтоб
Еру кўкнинг поёни йўқ ичида
Микроскопсиз кўриш ҳам қийин жуда,
Олти қирра қор парчанинг учида
Илғанади қуёшчалар пирпираб.

Барибир, қуёш бор, — дейди шоир. Сутга сингиб кетган мойдек еру кўкка омухта. Нури эса қор қирраларида уч бераётирки, бу қуёшчаларни микроскопсиз кўрмоқ мушкул.

Шунча оҳори тўкилмаган ташбеҳлар силсиласидан сўнг шоир яна қанақа усул ишлатаркан, шеър қандай якунланаркан, дея ўйлаб ўқийсиз:

Сомон йўлин эслатади даричам,
Бунда узоқ юлдузларнинг йўқ сони.
Ҳар юлдузнинг ўзига хос жаҳони,
Ижод уйин қордай босиқ имкони —
Шеър билан зийнатлади бу кечам...

Энди гап фақат юлдузларга дахлдор. Тун чоғи осмонга тикиларканмиз, бир оқ йўлак кўзга элас-элас чалинади. Бу шунчаки ёруғлик эмас. Жуда кўп юлдузлар нури бир-бирига қоришиб, кўзимизга йўлак тарзида кўринаётганидир. Буни эса Сомон йўли дейдилар. Демак, шоир даричаси — оламга очилган танҳо дарича. Худди Сомон йўлидек оппоқ йўлак. Унинг кўз қараши, унинг олами. Шоир ёзганидек, ҳар юлдузнинг ўзига хос жаҳони бор. Алалхусус, ана шу инкишоф шо

КЎНҒИЛЛАРНИНҒ ТИТРОҒИДАН ИЗЛАНҒ МЕҢИ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

ОНА ЭЛИМ

Она элим, дўстингга дўсту
Душманингга хавфу хатарман.
Жилғалардай чулдираб ўсдим
Илдизингдан келган хабарман.

Ёнган они ё сўнган они
Кетган борми меҳрингга қониб
Тонготарда сен деб уйғониб
Кунботарда сен деб ботарман.

Болам дединг ҳар коримда ҳам
Қувончим-у, озоримда ҳам
Бир кун... бир кун мозоримда ҳам
Сени суйиб, ўйлаб ётарман.

Сув сўрасам Сен узатдинг бол
Бир ғунчанг ҳам кетмасин увол
Билмагин деб тоабад завол
Боғларингга бўйлаб ётарман.

Камон, ўқли бўлгин, бўлма кам
Ғўдакларинг кўрмасин деб ғам
Ёнимдаги шерикларга ҳам
Пичир-пичир сўйлаб ётарман...

КЎЧАМ БЎЛСИН

Онанг менинг
онам бўлсин
Рамиз РОВШАН

Мениям онам бор эди
Чечам нақ сайроқ тор эди
Энди онанг онам бўлсин
Чечанг менинг чечам бўлсин.

Бир-бирини суйиб, сизлаб
Кетди қолди улар тезлаб
Бу кеч мен уларни эслаб
Йиғлайдирган кечам бўлсин.

Дунё, сен қилдингми қасддан
Кўп йиқитдинг баланд-пастдан
Мениям бир қоқилмасдан
Ўтадиган кўчам бўлсин.

Шунда, шунда бу кўчадан
Қувончу-қайғу кўчадан
Чечамдай ойланиб ўтаман
Онамдай ўйланиб ўтаман.

Мениям онам бор эди...

ИЗЛАНҒ МЕНИ

Агар тўлсам,
бир жом янглиғ агар тўлсам
Кўнгилларнинг титроғидан изланг мени.
Чечак янглиғ қовжираса сатрларим
Кузнинг куйиб ўтмоғидан изланг мени.

Ўйласангиз бу дунё тор,
Бу дунё кенг.
Япроқман, ўз дарахтимдан
Узманг мени.
"Сен" тилингиз "Сиз"га кетса
Бир мурид денг
Яссавийнинг муриди деб
"Сиз"ланг мени.

Куёш билан юрсам
Юрсам баланд, бойиб
Худо қўлим тутмоғидан
Изланг мени.
Бир кун... бир кун топмасангиз
Бўлсам ғойиб
Туркистоннинг тупроғидан
Изланг мени.

ЁЛҒИЗЛИК СИРИ

Тирикмисан, шохлар ташлаб уч
Куёш мисол, ўрлайвер тикка
Тирикмисан, ўзинг қудрат, кеч
Кўрқинч нарса борми тирикка.
Қўрқма, баланд юришни ўрган
Гар шеригинг бўлса доғинг йўқ.
Боқ, сенинг атрофингда юрган
Одамларнинг сон-саноғи йўқ.

Ўлимданам қўрқмоқлигинг пуч
Умр тугар бир нола, чўзиқ.
Ернинг остида одамлар зич
Ўлимданам қўрқишинг қизиқ.

Мен ёлғизлик сирини очдим
Ундан қўрқмай бўлмайди, ёҳу!
Ундан қочгин, бир умр қочгин,
Кувиб етса ўлдирар куч — шу.

МАСЛАҲАТГА БОРАМАН

Ой ўтмас, ҳафта ўтмас
Ўзимнинг ақлим етмас
Маслаҳатга бораман.
Саҳар ё кеч, ўтириб
Бошингизда ўй суриб
Сизга кўнглим ёраман.
Мен ўйлайман, "соз тупроқ
Бехавф ётинг. Суянч тоғ
Ҳали-бери чўкмайди".
Онам ўйлар "Наҳот-ки
Оқсоч боламнинг ёши
Бир жойга етганда ҳам
Айтганимдан чиқмайди".

ДАРАХТЛАР СЕЗАДИ

Дарахтларам сезади кузни,
Киради бир-бирин пинжига.
Бизлар кира олмаймиз дўстнинг
Сунбуладай ишқ, соғинчига.
Титроқ тушар ҳатто теракка
Кундузу тун титрайди толмай.
Бизлар кетаверамиз якка
Сочимизнинг қораси қолмай.

Дарахтлар ҳам қийналар оғир
Улар бир-бирини суяйди.
Одам... бир-бирига бермас сир
Фақат одам... ёлғиз куяди.
Ёрижон-а, тушдим бир издан,
Кетмоқдаман ёмғир, уриб қор.
Мен... айрилиб қолмайин Сиздан
Қабримизни кўммай туриб қор.

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

ЗАМОНАВИЙ БАЁЗ



Баёз — турли ижодкорларнинг асарларидан тузиладиган тўплам. Айниқса, XIX аср охири XX аср бошларида кўплаб баёзлар тузилганлиги маълум. Муқимий, Камий, Сидқий-Хондайлиқий, Ҳазиний, Хислат каби шоирлар тузган баёзлар ўша давр адабий муҳити ҳақида тўлақонли тасаввур берувчи нодир манбалардир. Муҳими, бу анъана бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Яқинда "Наврўз" нашриётида чоп этилган "Соҳил оҳанглари" тўплами бунга далил.

Тўплам беш ижодкор — Абдул Ҳамид, Манзар, Абдулхайр, Равшан Исоқов, Ғулом Карим ва Абдусаттор Ўзғур шеърларидан ташкил топган. Китобга филология фанлари номзоди Эргаш Очил кириш сўзи ёзган. Унда тўғри таъкидланганидек, тўплам муаллифлари фақат шоиргина эмас, балки серқирра истеъдод соҳиблари. Ғулом Карим — илмий доиралар биладиган шарқшунос олим, тарихнавис ёзувчи ва таржимон. Абдулҳамид Пардаев — "Жаҳон адабиёти" журнали орқали Ғарб насри ва назмидан қилган етук таржималари, публицистик мақолалари билан танилган ижодкор. Равшан Исоқов — болалар шоири ва журналист. Абдусаттор Ўзғур — сюрреализм йўналишида ижод қилаётган моҳир рассом. Манзар Абдулхайров — тилшунос олим, ЎзМУ доценти.

Маълумки, адабий даврлар ижодкор камолотида муҳим ўрин тутади. Фурқат, Муҳйи, Муқимий ва Завқийлар даврасы, Фитрат ва маслакдошлари тузган "Чиғатой гурунги" бунга далил. Шу маънода, бу ижодкорлар адабий даврасы ҳам чин маънодаги ижод мактаби бўлишидан умидвормиз. Бинобарин, унинг ҳосилига гувоҳмиз.

Тўпламдаги "Биринчи китоб: назм" деган қайд баёзнинг наср ва таржима соҳасидаги кейинги китоблари ҳам нашр этилишига ишора, деб ҳисоблаш мумкин.

"Соҳил оҳанглари" тўплами 1500 нусхада чоп этилган.

ҲИКОЯ

ҚОРАКЎЗ

Комил АВАЗ

Қоракўз билан танишган одам унинг кўзига қарайди. Буни Қоракўз билади ва хиёл кулимсираб, «Кўзингиз қора бўлмасаям, исмингиз Қоракўзлиги ажаб экан, дея ўйлаяпсиз-а», дегандай қиймириб қарайди. У кўзининг қорамтир кўкишлиги сабабини яхши билади.

Мактабни битириб, Тошкентга ўқишга келган кунлари баъзи курсдош қизлар, айниқса, ётоқдаги ҳамхоналар унинг юриш-туришига, ҳусни латофатига, ҳеч кимникига ўхшамаган мулойим нигоҳига ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилишди, лекин ҳеч ким «Кўзингиз бунча сеҳрли-ю, нега исмингизга монандмас», дея сўрамади.

Барибир одам ким биландир ички нлик қилади. Қоракўз кўқонлик Кумушбиби билан дўстлашди. Кумушбиби ҳам ўзидай камгап, ёқимтой, сочлари узун, қошлари пайваста. Унинг ҳам кўзларидан ҳамиша сокин ниментабассум ёғилиб туради. Бўйлари қарийб бир хил, ўртачадан келган, беллари бир тутам. Ишқилиб, диққатни тортмай қўймайди.

Улар сўзлашмай «суҳбатлашади», бир қараганда бир-бирларини тушунади. Ва ажабким, икковиям деярли йигитлар ҳақида шивирлашишни унчалик хуш кўрмайди. Хуллас, ҳар қандай қиз улардан андоза олса, ўзларини қиёсласа бўлади. Ҳаётнинг ўз қонун-қоидалари, тақдир деб аталмиш мўъжизанинг инсонга кўрсатмиш турфа қирралари бор, ундан ҳеч ким қочиб қутулолмаган.

Қоракўз университетга илк қадам қўйганидан унга ҳавас билан боқадиган йигитлар нигоҳини сезмай қолгани йўқ, фақат ўзига хос вазминлик билан уларни кўрмаганга, сезмаганга олди.

Қоракўзнинг ички дунёси, ботиний қуввати бирор йигитга кўнгил қўймасликка, фақат ўқиш билан машғул бўлишга етади. Аммо, «Сизга икки оғизгина гапим бор», дегувчиларни мулойимлик билан четлаб ўтишга, муҳаббатли нигоҳларга чап беришга унинг қурби қачонгача етаркан? Ахир у ҳам одам, тирик жон. Севиш-севилишга қодир. Лекин...

Ҳаётидаги айтиб бўлмас бир сир боис туйғу жиловини тортиб юришга мажбур. Буни ўзигина билади. Кечалари дугоналарга сездирмайгина юм-юм йиғлайди. У бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто Кумушбибига ҳам айтолмайди.

Шу тахлит биринчи курсни тугаллашди. Ёзги таътилда у тўрт-беш кунга Қўқонга, Кумушбибиникига меҳмонга борди-ю, Кумушбибини уйига қаттиқ туриб таклиф этмади. Кумушбиби бунга унчалик эътибор бермади, чунки олдда ҳали ўқиш даври сероб, насиб қилганда борарман, деб ўйлади. Қолаверса, у Қоракўздай бемалолроқ ҳаммас, уйидагилар рухсат бериши қийинроқ, уни узоқроқ қариндошлари бўлмиш ҳунарманд йигитга узатишмоқчи.

Кумушбиби бунга ёшлигидан кўникма ҳосил қилган, шу боис Тошкентда бирор йигитга қайрилиб қарамайди. Ўқишни битиришларига оз қолганда тўйлари бўлишини билади, шунга розилик берган. Йигити билан хат олишиб туради. У хатларини Қоракўзга кўрсатади-ю, аммо ўқиб беришни эп кўрмайди. Хат олган кунлари кўзлари порлаб кетади.

Қоракўз ич-ичидан дугонасига ҳавас қилади, суюнади, ўзи учун эса, куйинади, чорасизлигини билади. Ниҳоят, ўзиям илк бор хат олди. Юқори курсда ўқийдиган Латифжон тўрт энлик хат тутқазиб кетди.

Қоракўзнинг юраги дукурлаб, не қилларини билмай, хатни апил-тапил дафтар орасига солди. Бу ҳол дарс бошланиши олдидан шундай тез содир бўлдики, Қоракўз қандай қилиб хатни олди-ю қандай қилиб дафтар орасига яширди, билолмай ҳам қолди. Нафсиламрини айтганда, Қоракўз Латифжоннинг не вақтдан бери орқасидан юрганини, Кумушбиби орқали сўзлашмак ниятида эканлигини яхши билади. Кумушбиби унга илмоқли гаплар билан неча бор айтиб кўрди. Қоракўз рўйхушлик бермади. Нега у билан учрашишни, сўзлашишни истамаяпти, нега унинг севгисини рад этишга, бирор аниқ жавоб айтишга қийналяпти? Ўзининг ҳам кўнгли Латифжонда йўқ эмас-ку, йигитмисан йигит, пешонаси кенг, қошлари ўскин, нигоҳлари мулойим бўлиши баробарида қандайдир ботиний шиддати кишини бир зумда ўзига ром қилади. Худди Қоракўзнинг хаёлидагидай йигит, бироқ... Яна шу «бироқ».

«Қоракўз! Кўзингиздаги хавотирга ўхшаш одам юрагини эзувчи аллақандай ғамгинлик, хавотир дилимни қон қилди. Нега мендан қочасиз? Ахир мен сизни «таъқиб» этаётган бўлсам, ниятим яхши. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Сизни учратгунимча севги, муҳаббат ҳақида сал бошқачароқ фикрда эдим. Қайснинг Лайли йўлидаги жунунига шак келтирмаган ҳолда, адабиётда, аниқроғи улкан аллома ёзувчилар бундайин муҳаббатни улуғлаб,илоҳийлаштириб, худди бир-бирлари билан мусобақалашгандай, қаламлари ўткирлигини намойиш этишгандай бўлиб туюлгани, мана, неча асрлардан, балки одамзод ёзувни кашф этгандан бери шундайин достонлар, ҳикоятлар, эртаклар машҳурдан-машҳур бўлиб келаётгани мен учун гўё орзумандга ташбехдай туюларди.

Қоракўз, агар йигитингиз бўлса, ё унаштирилган бўлсангиз, мени ўлди деяверинг. Бу ёруғ дунёда яшашнинг мен учун маъноси қолмайди. Агар хатимга жавоб бермасангиз, жавоб берганингизча ёзавераман. Тутқич бермасангиз, уйингизнинг адресини олиб, дадам билан ойимни юбораман, улар тушунган, зиёли одамлар, қолаверса, уйлантирамиз деб ҳоли-жонимга қўйишмаяпти.`

Мана, кўряпсиз, қаламдан не тушса, қоғозга битиляпти. Ушбуни бир зарб билан ёздим, қайта ўқиб, хатоларимни тузатмайман. Агар ўқигудай бўлсам, у ер-бу ерини тўғрилайман деб хатнинг пачавасини чиқариб, неча қоғозларни йиртиб, хат юбориш борасида иккиланиб қолишим мумкин. Ҳозир имзомни қўяману конвертга солиб елимлайман-да, қўлингизга тутқазаман, тамом, вассалом.

Салом билан... нима деб ёзсам экан? Ошиқи беқарорингиз десаммикан? Ие, нега беқарор бўларкан, аксинча, қарорим қатъий, демак, барқарор. Лекин бу ҳақда Сиз билан ҳали бирор оғиз гапиришиб кўрмай, дабдурустдан ошиғи барқарорингизман десам, осмондан келгандай бўлсам керак? Сиздан жонини ҳам аямовчи девонаи қаландар, бир мушфиқ дўстдан деб билгайсиз... десамчи? Оддийгина бўлақолсин, латифу лутф ила Латифжон.

Учинчи минг йиллик биринчи асрининг иккинчи, мувофиқи от йили, 16-ланчи душанба оқшоми.

P.S. Хатингизни интизорлик билан кутаман. Нега хатлар охирига одамлар бир нималар ёзиш учун P.S. деб қўйишади, ишонинг Қоракўз, тушунмайман, лекин чиройли, худди хатга салобат бағишлагандай. Шунданмикан, мен ҳам шу тақовул ёздим, гарчи хатингизни интизорлик билан кутиш борасида юқорида қайд этган бўлсам ҳам. Энди тамом».

Хатни титроқ билан ўқиб бўлган Қоракўз беихтиёр ички бир нидо билан «ҳа, энди тамом», дея хўрсиниб, гўё ҳозироқ яширмаса, қўлларидан чиқиб, қайларгадир учиб кетишидан хавфсирагандай, уни апил-тапил сийнабанди ичига яширди. Юраги томонга солган экан, чинданам жонлангандай, потирлаб кетди...

Неча кунлар қалбида жўш урган туғёнлар гирдобида ўзи билан ўзи олишди. Бу ёруғ жаҳонга сиғмай, Кумушбиби билан ҳар намозшом ётоқхона рўпарасидаги хиёбонда бирга кезишдию юрагида кечаётган сирли ғалаёнларни ичига ютди. Кумушбибиям неларнидир сезса-да, ўзи индамагач, ботиниб сўрамади.

Шу тақовул Қоракўз неча кундуз, неча тун ўзи билан ўзи андармон бўлди ва ниҳоят, дилига келган ҳазин нидони қоғозга тўкди:

«Ассалом, Латифжон ака! Мендан жонини ҳам аямовчи, девонаи қаландар, эй мушфиқ дўст! (албатта ҳозирча жонини аямовчи) Хатингизни ўқиб, мана, неча оқшомки ҳаловатим йўқ. Мен орзу қилганим, кечалари хаёлимда тиритирадиганим, қўлим етмасаям интиладиганим, очиғини айтай, Сиздай йигит эди. Тасаввурим рўё эмас, ҳақ бўлганига ишонгим келмайди. Эй Худо, ниятларимга етирмакни сўраб қилган илтижоларимни қабул этдинг, мингдан минг розиман! Юрагимга муҳаббат уруғини сочдинг, шукр, минг бора шукр. Муҳаббатнинг ўлчами — беўлчов севмак, деган экан бир донишманд. Ахир мен ҳам ана шундай беўлчов муҳаббатнинг гадосиман. Ахир мен ҳам одамман, менда ҳам юрак бор, дард бор. Бироқ... бироқ, бари ҳаяжонларим, юрагим қувончлари ичимда қолиб кетади. Мен уни ташқарига чиқаролмайман, одамларга ошкор этолмайман. Шу сабабдан Сиз айтгандай, мен ҳам ўз ёғимга ўзим қовурилдим ва ниҳоят ушбуни ёзишга жазм этдим.

Латифжон ака, мен Сиз билан яқинроқ танишишдан эмас, балки ўзимдан қочиб юрибман. Нима деб тушунтирсам экан... Мен сизга муносиб эмасман. Сиз таъриф этганингиздай, мен соҳибжамол эмасман, қолаверса... Қолаверса, сиз мени яхши билмайсиз. Бой-бадавлат хонадоннинг фарзанди ҳам эмасман, балки буниям эътиборга олмаслигингиз мумкин. Энг даҳшатлиси, бизни, оиламизни яқин билганлардан уйимизга совчи келмайди. Қўрқишади...

Дадам ойимга уйланганларида худди Сиздай, билмаганлар. Уйланганларидан кейин ташлаб кетолмаганлар. Фақат бошқа жойга, бизни биладиганлардан узоқроққа кўчиб кетишган. Барибир, оиланинг сири неча қулфли сандиқда сақлансаям, орқасидан эргашиб юраверар-кан. Ойимнинг ойилари мурдашўй бўлганлар. Энамнинг отасиям, онасиям мурдашўй ўтганлар. Энамнинг лақаби мурдашўй эди. Аждодимиз лақаби ойимнинг исмларига тақалгунча биз фарзандлар кетмакет туғилиб, дадам ойим билан яшаб қолганлар.

Энам жуссаси кичикроқ бўлсаям, жуда келишимли, бениҳоя чиройли, фаришталі аёл эдилар, раҳматлик. Мени энамга ўхшатишади. Энамнинг ёшликдаги сувратларини кўрган одам бу сенмисан, дейди. Мен энамга ўхшаганимдан беҳад қувонаман.

Латифжон ака, энди мен Сизга яна бир сирни айтай. Мен ҳам шу касб билан шуғулланганман. Ўлик ювган оқшомларим эртасига ўзимни қушдек енгил сезаман. Аждодимиз лақаби сирли ғалаёнларни ичига ютди. Кумушбибиям неларнидир сезса-да, ўзи индамагач, ботиниб сўрамади.

Шу тақовул Қоракўз неча кундуз, неча тун ўзи билан ўзи андармон бўлди ва ниҳоят, дилига келган ҳазин нидони қоғозга тўкди:

«Ассалом, Латифжон ака! Мендан жонини ҳам аямовчи, девонаи қаландар, эй мушфиқ дўст! (албатта ҳозирча жонини аямовчи) Хатингизни ўқиб, мана, неча оқшомки ҳаловатим йўқ. Мен орзу қилганим, кечалари хаёлимда тиритирадиганим, қўлим етмасаям интиладиганим, очиғини айтай, Сиздай йигит эди. Тасаввурим рўё эмас, ҳақ бўлганига ишонгим келмайди. Эй Худо, ниятларимга етирмакни сўраб қилган илтижоларимни қабул этдинг, мингдан минг розиман! Юрагимга муҳаббат уруғини сочдинг, шукр, минг бора шукр. Муҳаббатнинг ўлчами — беўлчов севмак, деган экан бир донишманд. Ахир мен ҳам ана шундай беўлчов муҳаббатнинг гадосиман. Ахир мен ҳам одамман, менда ҳам юрак бор, дард бор. Бироқ... бироқ, бари ҳаяжонларим, юрагим қувончлари ичимда қолиб кетади. Мен уни ташқарига чиқаролмайман, одамларга ошкор этолмайман. Шу сабабдан Сиз айтгандай, мен ҳам ўз ёғимга ўзим қовурилдим ва ниҳоят ушбуни ёзишга жазм этдим.

Латифжон ака, мен Сиз билан яқинроқ танишишдан эмас, балки ўзимдан қочиб юрибман. Нима деб тушунтирсам экан... Мен сизга муносиб эмасман. Сиз таъриф этганингиздай, мен соҳибжамол эмасман, қолаверса... Қолаверса, сиз мени яхши билмайсиз. Бой-бадавлат хонадоннинг фарзанди ҳам эмасман, балки буниям эътиборга олмаслигингиз мумкин. Энг даҳшатлиси, бизни, оиламизни яқин билганлардан уйимизга совчи келмайди. Қўрқишади...

Дадам ойимга уйланганларида худди Сиздай, билмаганлар. Уйланганларидан кейин ташлаб кетолмаганлар. Фақат бошқа жойга, бизни биладиганлардан узоқроққа кўчиб кетишган. Барибир, оиланинг сири неча қулфли сандиқда сақлансаям, орқасидан эргашиб юраверар-кан. Ойимнинг ойилари мурдашўй бўлганлар. Энамнинг отасиям, онасиям мурдашўй ўтганлар. Энамнинг лақаби мурдашўй эди. Аждодимиз лақаби ойимнинг исмларига тақалгунча биз фарзандлар кетмакет туғилиб, дадам ойим билан яшаб қолганлар.

Энам жуссаси кичикроқ бўлсаям, жуда келишимли, бениҳоя чиройли, фаришталі аёл эдилар, раҳматлик. Мени энамга ўхшатишади. Энамнинг ёшликдаги сувратларини кўрган одам бу сенмисан, дейди. Мен энамга ўхшаганимдан беҳад қувонаман.

Латифжон ака, энди мен Сизга яна бир сирни айтай. Мен ҳам шу касб билан шуғулланганман. Ўлик ювган оқшомларим эртасига ўзимни қушдек енгил сезаман. Баланд-баландларга учиб кетгим келади. Оллоҳнинг бир бандасини ювиб-тараб, оқ либосга ўраб сўнгги манзилга кузатиш, биласизми, руҳингни тозалайди, ғуборлардан халос этади. Лекин мен ҳеч кимга ўлим тиламайман.

Хатингиз юрагимни алғов-далғов қилганини яширмайман. Ташаккур, ёзган илиқ гапларингиз учун минг бора ташаккур! Лекин Сиз мени унутинг, илтимос... Мени севсангиз, мени қийнаманг. Жоним Сиздан айлансин, юрагимда неки дардим бўлса, сизга тўкдим. Мени учрашувга таклиф қилманг. Боролмайман...»

Қоракўз қоғоз намланганини кўриб, ёзишдан тўхтади. Кўзидан томган ёшни сезмаганидан ҳайратланди. Қоғозни икки буклаб, секин иккига бўлди, яна буклаб, яна иккига бўлди ва бирдан бўкириб йиғлай бошлади. Ширин уйқуда ётган дугоналарининг уйғониб кетишларидан андиша қилмади. Йиғлайверди-йиғлайверди. Сўнг ўрнидан туриб, йиртилган хатини ғижимлаганча дераза олдига келди. Аввал дераза юқорисидаги дарчани очиб хатни ташламоқчи бўлди, сўнг деразанинг бир томонини ланг очди. Юзига қиш охирининг аёзли шамоли урилди. Қўлларини аста очди. Шамол шиддат билан қоғоз парчаларини учириб кетди. Оқариб келаётган тонг нафаси энди яна майдалаб ёға бошлаган ёмғирдан мусаффолашиб, Қоракўзнинг юзларини ювa бошлади...

БИР ЮРАК БОР МЕНДАН ОРТИҚ СЕВИБ ЎТАР

Марям ўзининг дил кечинмаларида юрак юкини маъно кўринишларига кўчиради. Яфроғлар оҳидай шивирлаган армонини ифода этишга ҳаракат қилади. Ва буни табиий, самимий тарзларга айлантиради.

Мен ҳамон висолга етмаган армон, дейди шоира.

Аёнки армон замирида, соғинч замирида, изтироб замирида орзулар пайдо. Шоира сўзининг мағзига сингиган армон, соғинч, изтироб жиҳатлари некбин орзуларини етилтиради. Орзулар ўз навбатида кангулни ниятларга тўлғизади. Шу тариқа шоира гоҳ армонга, гоҳ соғинчга, гоҳ изтиробга суяниб туйғуларни орзулар бағрига йўллайди. Ўзи айтмоқчи:

Юрагимда катта бир қўрғон,
Орзуларга тилакдош бўлди.

Бундай тилакдошнинг йўлини берсин доимо.

Икром ОТАМУРОД

ЮРАК ЮКИ

Ҳориган фалакда ой ҳам безовта,
Тиз чўкиб пойимда само тўкар ёш.
Бир садо чинқирар, қулоқларим кар,
Жаранглаб синади қобирғаларим.
Қисир-қисир синар умуртқам,
Тўкилиб кетади ошиқ-мошиқлар,
Уларни тераман битта-битталаб,
Тўлиб кетадилар этакларимга.
Ва ипга тизаман дона-доналаб,
Сўнг, осиб оламан
Оппоқ бўйнимга.
Севинганимдан
Қийқириб кула бошлайман.
Жиринглаб кетади мунчоқ қобурға,
Ошиқ-мошиқларим, қувончларимдан.
Мен эса, оғирлашиб бораверaман,
Ўз қобурғаларимни
Кўтара олмасдан.
Чунки, ҳаёт юки жудаям оғир,
Юрак юки эса, ундан-да улкан.
Уни кўтармоқ учун
Забардаст вужуд керак.
Баҳайбат одам,
Тоғдай юрак даркор
Енгмоқлик учун
Ҳаётнинг бундайин синовларини.
Мен эса, ўз бўйнимга осилган
Қобурғаларимни
Кўтара олмасман
Нечун?...
Осмон эса,
Чўккалаб олган пойимда...

ҚЎМСАШ

Мунаввар нур сочиб тонглар отаверар,
Соғинчлардан дилда ҳижрон ортаверар,
Хаёлларим сенга томон кетаверар,
Менинг маъсум онажоним омонми-ей,
Мени кутиб ранги-рўйи сомонми-ей?!
Қишлоғимда қўша-қўша тўйлар ўтар,
Яқинларим балки кутмас, балки кутар,
Бир юрак бор мендан ортиқ севиб ўтар,
Менинг азиз онажоним омонми-ей,
Мени кутиб ранги-рўйи сомонми-ей?!
Диёрининг шамоллари сарин-сарин,
Изтиробли хаёлларим эзгу, ширин,
Ҳовлимдаги онам эккан гул — настарин,
Менинг мунис онажоним омонми-ей,
Мени кутиб ранги-рўйи сомонми-ей?!
Кўнгилгинам бугун бунда кўп мусофир,
Қўш фарзандим қўллагувчи ҳақ Оллоҳдир,
Волидамга умр сўраб ўтар умр,
Менинг мушфиқ онажоним омонми-ей,
Мени кутиб ранги-рўйи сомонми-ей?!
Оҳ, дегунча, дунёи дун ўтаверар,
Туну кунлар умримизни ютаверар,
Онажоним нодон қизин кутаверар,
Меҳрибоним, онажоним омонми-ей,
Оҳ, соғинган онагинам меҳмонми-ей?!

АРМОН

Паришон хаёллар жунжикар, кузнинг
Хазонрез боғлари аро саргардон.
Сенинг бир чақнамай сўнган юлдузинг
Яфроғлар оҳидай бағримда сарсон —

Энтикиб, сен томон талпинади дил,
Қурбатинг пойида чўкканича тиз.
Сен ўшал излаган қирқ ўрим кокил,
Ҳижрондан қомати мункиллаган қиз.

Ўтинчлар — кўзлардан тўкилган маржон,
Бағирни ўртайди озорлар атай.
Ғамлар юрагимни қилади вайрон,
Мен ичиб ўлмаган заҳри қотилдай.

Паришон кезаман, нигоҳимда муз,
Хаёлим хазонрез ичра саргардон.
Мен ҳамон осмонда ҳилолдек ёлғиз,
Мен ҳамон висолга етмаган армон.

Марям АҲМЕДОВА

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

"Ёшлик" журналининг шу йилги 3-сони нашрдан чиқди.

Журналнинг ушбу сони берилаётган материаллар салмоғи билан ҳам, ўзига хос дизайни билан ҳам "Ёшлик"нинг сондан-сонга ўсаётгани далилидир. Бу, айниқса, насрий асарларда яққолроқ кўзга ташланади. Ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг "Чорбоғ қўриқчиси" асарини қиссачилигимизнинг ўзига хос ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. Яқинда Зоминда бўлган адабий гурунгларда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ушбу қиссага юқори баҳо берди. Ифоданинг чиналам миллийлиги ва гўзал бадиият асар ютуғини таъминлаган омиллар эканини алоҳида таъкидлади.

Зулфия Қуролбой қизининг "Тафаккур" ҳикояси насрнинг бу кичик жанрида ҳам муайян ютуқларга эришилаётгани тасдиғидир.

Муҳаммад Алининг янги шеърлари, Матназар Абдулҳакимнинг мумтоз ва замонавий жанрлардаги назмий асарлари, Ўроз Ҳайдар ва Ориф Ҳожи шеърларидан намуналар шеърият ихлосмандлари учун муносиб тухфа бўлган, дейиш мумкин.

Кейинги пайтда газета ва журналларда китобхонлик муаммосига бағишланган мунозарали чиқишлар, айниқса, кўпайди. Профессор Умарали Норматовнинг "Китобхонлик даври ўтдими?" мақоласи худди шу мавзуга бағишланган.

Бу сафар "Елпиғич" рукнида Абдураззоқ Обрўйнинг "Ошиқ илонча" сарлавҳали туркум ҳажвий шеърлари билан танишасиз. Хонанда Ҳосила Раҳимова билан суҳбат санъат мухлисларига маъқул бўлади, деган фикрдамиз.

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Ўзбек адабиётшунослигида академик Салоҳиддин Мамажоновнинг ўрни алоҳида. Унинг Ғафур Ғулом прозаси", "Услуб жилолари", "Шоир дунёси", "Лирик олам, эпик қўлам", "Теранлик" ва бошқа қўплаб монография ҳамда рисолалари илм аҳли эътирофига сазовор бўлган. Улардан айримлари рус ва бошқа тилларга таржима ҳам қилинган. "Фарғона" нашриёти томонидан чоп этилган "Олимнинг олами" китобида академик Салоҳиддин Мамажоновнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Филология фанлари доктори Йўлдош Солижонов қаламига мансуб ушбу китоб 1000 нусхада босилган.

Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, "Салоҳиддин Мамажонов қаламга олган муаммолар доираси кенг. Олим асарларида йигирманчи йиллар адабиёти масалаларидан тортиб, то биринчи китоби чиққан ёш шоир ижодига қадар, адабиётимиз пойдеворига ғишт қўйган шоирлар, драматурглар, носирлар ижод услубигача таҳлил доирасига тортилган".

Табиийки, олим фаолиятининг аҳамияти шуғулланган мавзулари доирасининг кенглиги билангина белгиланмайди. Унинг асарлари, биринчи навбатда, илмий теран бўлиши, давр синовларига дош бера олиши керак. Иккинчидан, бу асарлар Ватан ва миллат манфаатларига мувофиқ бўлмоғи лозим. Академик Салоҳиддин Мамажонов асарлари, илмий фаолияти бу талабларга тўла жавоб беради. Энг муҳими, бу хусусиятлар "Олимнинг олами" асари муаллифлари томонидан чуқур таҳлил этилган.

Китобда Ғафур Ғулом ва Салоҳиддин Мамажоновнинг устозшогирдлик муносабатлари, академик олимнинг ўзига хос илмий услуби, фан ривожига қўшган ҳиссаси аниқ мисоллар ва далиллар орқали таҳлил этилган.

Умуман, ушбу китоб адабиётшунослик ривожига улкан ҳисса қўшган академик Салоҳиддин Мамажонов ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида муфассал маълумот бериши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ёш томошабинлар ва ёшлар театрларининг бугунги муаммолари умуммаданиятимизга бевосита даҳлдордир. Театрларимизнинг келажагини эса бугунги ёшларимиз тарбияси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриш лозим бўлади.

ЁШЛАР ТЕАТРЛАРИ: ШАКЛ БИРЛАМЧИМИ?

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Республикамизда ёш томошабинлар учун махсус театр XX асрнинг йигирманчи йилларида фаолият бошлаган. XX асрнинг саксонинчи йиллари охири, 90-йилларнинг бошига келиб Ўзбекистонда "Ёшлар театри" деган ибора пайдо бўлди. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида Сафар Хўжаниёзов номидаги, Андижонда Аббос Бакиров номидаги, Тошкентда Ўзбекистон Ёшлар театри ҳамда Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрлари фаолият юритмоқда.

Эътироф этиш керакки, бу театрларнинг юзага келиши ва ривожланиши ёш авлодни эстетик, маънавий тарбиялаш, онгини шакллантириш учун зарур эди. Ёшлар театрлари олдига қўйилган вазифалар эса, аввало, ёшларни қизиқтирадиган, улар ҳаётини ёрқин акс эттирадиган драматургия, янгича актёрлик ва режиссёрлик йўналишларини талаб этарди.

Ҳозирги кунда ёшлар учун хизмат қилувчи тўртта театр 12 вилоятга эга бўлган республикамиз учун етарли эмас. Хусусан, Наманган вилоятида бу муаммони ечиш вақти келди. Вилоятда ишлаб турган ягона театр томошабинларнинг барча табақасини қамраб ололмаслиги равшан.

Вилоятлар театрлари репертурларида айнан ёш томошабинлар учун мўлжалланган спектакллар салмоғи жуда оз. Бинобарин, вилоятларда болалар ва ўсмир ёшлар театр санъатидан етарлича баҳраманд бўлмаяптилар, дейишга асос бор.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наби Абдураҳмонов бошчилик қилаётган Ўзбекистон Ёшлар театри ижодий жамоаси замон билан ҳамқадам бораётганини таъкидлаш керак. Н.Абдураҳмонов театр репертуарининг ғоявий-бадиий тузилишини ўзгартиришга бел боғлади. Унинг спектакларида матн, вокал, чолғу, пластика, сценография умумий саҳна ҳаракатларининг тенг ҳуқуқли воситасига айланди.

Наби Абдураҳмонов ишни репертуарни бойитишдан бошлади. Ўз томошабини аудиториясини кенгайтириб, турли жанрдаги спектаклларни саҳналаштирди.

Жамоага "Ёшлар театри" мақоми берилиши билан кўпчиликнинг кўнглида турли саволлар туғилгани шубҳасиз. Ёшлар театри ёшлар учун хизмат қилувчи театр бўлмоғи керакми ёки фақатгина ёшлар фаолиятини кўрсатувчи театрга айланадими? Бундай саволларнинг туғилиши бежиз эмасди. Чунки ҳозирда театрда асосан ёшлар хизмат қилмоқда. Улар кейинчалик театрни тарк этадиларми? Агар театрда фақат ёшлар ижод қиладиган бўлса, ёши ўтган актёрларнинг тақдири нима бўлади? Театр ўз мақомини сақлаб қолиши учун нималарга кўпроқ эътибор бериши керак?

Маълумки, юртимизда биринчи бўлиб ташкил этилган ёшлар театри — Аброр Ҳидоятов номидаги театр олдига айнан ёшларнинг қизиқишлари, дунёқараши, ютуқ ва муаммоларини акс эттириш, айни пайтда, ёш авлодни саҳна санъати орқали тарбиялаш вазифаси қўйилганди. Театр фаолияти давомида ҳақиқатан ҳам айнан ёшлар учун хизмат қилиб келгани маълум. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларига келиб эса театрда бошқача вазият, бошқача муҳит юзага келди. Турли йилларда бу даргоҳда ўз услуби ва йўналишига эга бўлган бир неча режиссёрлар бадиий раҳбар бўлиб фаолият кўрсатдилар. Лекин уларнинг йўналишлари "Ёшлар театри" талабларига тўғри келмагани сабаб театр аста-секин ўз мақсади, вазифаларини тўла-тўкис бажара олмай, йўналишини ўзгартира бошлади. Қобилиятли, салоҳияти кенг, ўз йўлига эга ижодкорларнинг изланиши туфайли бу театр саҳнасида академик театрлар талабига жавоб берувчи "Искандар," "Малика", "Майсаранинг иши" каби спектакллар юзага келди. Мазкур асарларнинг шуҳратига шак келтирмаган ҳолда шуни айтиш керакки, бунинг натижасида ёшларга аталган спектакллар камайиб кетди. Шахсий мулоҳазамизга кўра, Тошкент шаҳрида бир-бирига яқин йўналишда ижод қилувчи иккита театр пайдо бўлди. Барча театрлар ўз услуби, ўз йўналишида хизмат қилиши, шу жумладан, Ўзбекистон Ёшлар театри асосан ёшларнинг зиё маскани бўлиб қолиши учун нафақат унинг жамоаси, балки барча театр мутахассисларидан жуда катта меҳнат, куч, қатъият, ирода талаб этилади.

Ёшлар театридаги ижодий жараёнлар таҳсинга лойиқ. Шу билан бирга, бу жамоанинг ижодий ва ташкилий ишларида баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Биз театрнинг барча спектаклларида миллий руҳ уфуриб туриши керак, деган фикрдан йироқмиз. Албатта, театр Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ёшлари учун хизмат қилиши, уларнинг руҳиятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда асарлар яратиши керак. Лекин театр "Ўзбекистон Ёшлар театри" деб номланар экан, у албатта, ўз репертуарига, ижодий режасига ҳамиша янгиликлар киритиши, изланиши, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Наби Абдураҳмонов, бир қарашда ноанъанавий туюладиган янги йўналишдаги театрни яратди. Бу, бир томондан, актёрлар пластикасининг юқори даражага кўтарилишига ёрдам берса, иккинчи томондан, театр спектаклларида ҳолатлар моҳияти бадиият талаби орқали эмас, балки режиссёрнинг геометрик формуласи нуқтаи назаридан берилаётгани сезилиб қолади. Натижада, актёрлар кўпинча ортиқча хатти-ҳаракат туфайли чарчаб, ҳолатга киролмай қоладилар.

Албатта, ҳар бир театр ўз ижод йўлини, йўналишини ўзи танлаш ҳуқуқига эга. Аммо томошабин турли дид ва дунёқарашга эга экани ҳаммага маълум. Баъзи ёшларга фақат кўтаринки руҳдаги, рақс, қўшиқ, мусиқа, пластик ҳаракатларга бой спектакллар ёқса, бошқа тоифа ёшларга осойишта, ўйлатадиган спектакллар манзур. Шу нақтаи назардан қараганда, Ёшлар театри жамоаси келажакда ана шундай спектакларни ҳам репертуарга киритиш ҳақида кўпроқ ўйлаб кўришлари лозим. Бундай иш эса Наби Абдураҳмоновдек иқтидорли режиссёр ва унинг жамоаси қўлидан келишига ишончимиз комил.

Муқаддас АҲМАДЖОНОВА,
Тошкент санъат институти аспиранти

БОҒДА — "ШАРҚ ЭРТАГИ"

Учинчи йилдирки, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларида Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти, Чилонзор тумани Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосида "Чоршанба — болалар куни" йўналиши бўйича тадбирлар ўтказиб келмоқда. Яқинда тумандаги мактаб оромгоҳларида дам олаётган болаларнинг республика Ёшлар театрининг студиячи-ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Театрнинг бадиий раҳбари Н.Абдураҳмонов бошчилигида ёш режиссёр Гўзал Сулаймонова саҳналаштирган "Шарқ эртаги" спектакли болалар учун намойиш этилди.

Мазкур спектакл студиячиларнинг диплом иши ҳисобланиб, унга мусиқаларни таниқли хонанда Равшан Намозов танлаган, рақсларни Малика Искандарова саҳналаштирган. Ўзбек халқ фолклор қўшиқ ва мусиқаларидан моҳирона фойдаланилган. Саҳна декорациялари оддий ва енгил бўлиб, спектакл давомида актёрлар томонидан алмаштирилиб турилади. Либослар ҳам томоша жараёнида алмаштирилади.

Ҳикоябон тимсолини яратган Цой Александр ва Қамбаржон — Алексей Кондратенколар маҳорати алоҳида кўзга ташланиб турди.

Бундан ташқари, театр жамоаси шанба ва якшанба кунлари боғ саҳнасида "РОК-ТОК-ШОУ", "Қулоқсизлар байрами" каби спектакларни ҳам дам олувчилар эътиборига ҳавола қилиб келмоқда.

М.СОДИҚОВ
Суратлар муаллифи: М.МАМАТОВ

ҲУНАРДАН УНАР

ТОШДАГИ ДУРДОНАЛАР

Тоштарошлик (сангтарошлик) ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий-маънавий қадриятларимизнинг узвий бир қисмидир. Кейинги йилларда тоштарошлик санъати ҳам ўзига хос ривожланиш даврига ўтди.

Мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига бормайлик, тарихий обидалар атрофида мармарий санъат ифодасини кўрамиз. Айниқса, Ғозғон усталари томонидан ясалган ашёлар юксак санъат намунаси сифатида кишини лол қолдиради. Ғозғонликлар учун тоштарошлик бобомерос санъат. Ноёб манбалар ҳисобланмиш "Зафарнома", "Абдулланома", "Бобурнома" каби асарларда Ғозғон ва Ғозғон мармари ҳақида диққатга сазовор қайдлар мавжуд.

Ғозғон мармар санъатининг асосий ифодаси асрлар оша мармар товоқларда намоён бўлиб келаётир. Қадимқадимдан дид билан нақшланган, байтлар ўйилган, жилоланган бундай товоқлар харидоргирлиги билан ҳамиша эътиборда бўлган. Ўтмишда бобокалон усталар энг оддий — ибтидоий асбоблар: теша, темирқалам, қайроқ ва қум тош, намат ва ипак матолар билан фақат қўл кучи воситасида ишлашган. Ниҳоятда машаққатли ва диққатталаб иш бўлсада, улар бор маҳоратини ишга солиб, ота-боболари санъатини давом эттирганлар. Айтишларича, мармар товоқларнинг қадр-қиймати уларнинг турли микроблар ва зарарли унсурларга акс таъсири билан баҳоланган. Шу сабабли Бухоро амирлари саройида олтин, кумуш идишлар билан бир қаторда мармар товоқлар ҳам эъзозли бўлган.

Бухородаги арк ва Ситораи Моҳи хоса музейларида ҳозирга қадар 400дан ортиқ шундай мармар товоқлар мавжудлиги фикримизнинг далилидир. Улардан биттасига қуйидаги байт дид билан ўйиб ёзилган:

Табаррук ин табақи санги мармар
Чу бехтар аст табақи Чину Қашқар.
Табаррук бувадашаз баҳри он аст,
Ки асли конашон дар бари Ҳайдар.

Сўзма-сўз маъноси:

Табаррукдир бу мармар лаган,
Чину Қашқар чиннисидан ҳам,
Муқаддасдир бу сабаб билсанг,
Асли кони Ҳайдар сеҳридан.

Шунингдек, мармар товоқларда ҳикматлар ва катта маъно англатувчи таффакур маҳсуллари санъаткорона жило топган. Товоқларнинг бирида арабча: "Шарафул инсонил бил илму вал абадий ло бил моли насаб", яъни "инсоннинг шарафи ва ҳурмати унинг мансаби ва молу дунёси билан эмас, илму одоби билан ўлчанади", деб ёзилган.

Демак, товоқсоз усталар илмда ҳам, тафаккурда ҳам муайян даражага эришганликлари, юксак заковат эгалари бўлганликлари англашилади. Афсуски, бу товоқсозларнинг номлари, кимлиги ҳозиргача номаълум бўлиб қолаётир. Айримларигагина "амали уста Абдураҳим" деб битилган, холос.

Машҳур олим, академик А.Мухторовнинг "Санги диле дорад" китоби билан танишган киши "тошларда ҳам қалб бор", деган ибора тўғрисида ўйлаб кўрмай иложи йўқ. Марказий Осиё ва Қозоғистон мамлакатларини кезиб, қадимий қабристонлардаги ёдгорлик тошлари, ундаги ёзувлар ва саналарни ўрганиш борасида катта ишларни амалга оширган олим ўтмишдан етиб келган ҳар бир ёдгорлик тошини хоҳ у қабрга қўйилган бўлсин, хоҳ бинога ўрнатилган ёки алоҳида бўлсин, авайлаш, эъзозлаш ва авлодларга етказиш муҳим вазифа эканлигини қайд этади. Бу ўринда гап тош ҳақида эмас, балки қалбини тоштарошлик санъатига қўшиб, маҳоратини намоён этган усталар ҳақида бораётир.

Ғозғон қишлоғининг клуби олдидаги мармар ҳовузга ўрнатилган ноёб мармар асари — "Аждаҳо" ва "Наҳанг" ҳайкалларининг айни кунда хароба ҳолга келаётганини кўрган киши беихтиёр юқоридаги фикрларни тасдиқламай иложи йўқ. Улуғ уста Абдураҳим Муҳандис меҳнати билан зийнатланган ҳайкаллар очиқ-сочиқда, иссиқ-совуқда чатнаб ётибди. Худди шундай манзарани атоқли ҳайкалтарош Туркман Эсоновнинг "Чўпон бобо" ҳайкали тақдири мисолида ҳам кўриш мумкин. "Аждаҳо", "Наҳанг" ҳамда "Чўпон бобо" ҳайкалларининг бу хил манзараси, албатта, ҳар биримизни ўйлантириши шарт.

Қўшработ тумани Жўш қишлоғидаги Кўктош ота қабристонида Маҳмуд Ғозғоний ижодига мансуб байтлар бор. Ғозғон қишлоғи қабристонидаги қадимги қабр тошларида ҳам кўплаб битикларни учратиш мумкин.

Умуман, бундай тошлар ва улардаги битиклар замирида катта тарих бор. Лекин бундай асарлар ва уларнинг тақдири билан ҳалигача ҳеч ким жиддий шуғулланган эмас, яъни ўзбек сангтарошлиги ҳали ўрганилмаган. Бу нозик санъатнинг намуналари Ҳиндистондаги Тожмаҳал, Самарқанддаги Регистон, Бухоро, Қўқон шаҳарларида ва ҳатто Санкт-Петербург, Москва, Париж шаҳарларидаги музейларда сақланмоқда. Уларни ўрганиш ва тадқиқот ишлари орқали рўёбга чиқариш керак.

Сангтарошлик — игна билан қудуқ қазишдек машаққатли касб. "Тошда гул ундириш" деган нақл шундан келиб чиққан бўлса не ажаб. Қадимий мармар буюмлар, масалан, сандалтош, нонтош, тошновлар, мармар товоқ, қабр тошлар каби ашёлар атрофи "гандумак", "чингила", "шох", "шох бўта" ва турли ўсимликсимон нақшлар билан безатилган, айниқса, тошда ислими нақшларнинг чизилиши жуда эътиборлидир. Қадимги усталар кўпроқ геометрик нақшлар чизишда ҳам ўз маҳоратларини кўрсата олганлар. Масалан, Ғозғондаги Шоҳимардон масжиди тўлиқ тошдан қурилган бўлиб, унда бир дона ҳам ёғоч ишлатилмаган. Бино ичидаги устунлар, ярим устунлар, пойдевор ва тепа деворлар ҳаммаси тошдан қилинган.

Ҳозирги кунда Ғозғонда тош кесадиган йирик СМРлар, Италия-Корея станоклари ўрнатилганки, бу станокларда мармарни истаган шаклда, истаган қалинликда кесиш мумкин. Мармарга талаб юқорилигидан фақат бизнинг республикамиздан эмас, балки чет эллардан ҳам катта миқдорда буюртмалар келмоқда. Аммо Ғозғон мармар кони ва кўплаб хусусий корхоналарда бу буюртмаларни бажариш учун шароит ҳам, техника ҳам етарли эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ғозғон тоштарошлик санъати намуналарини авайлаш, бойитиш, мўъжизакор сангтарошлар, қўли гул усталар қолдирган ижодий асарларни чуқур ўрганиш, санъатнинг бу мураккаб соҳаси ривожига кенг имкониятлар яратиш ва кўз қорачиғидай сақлаш лозим.

Гуларо АБДУЛЛАЕВА,
Маданият институтининг аспиранти

ДУТОРГА ОШУФТА КЎНГИЛ

ҚУТЛАЙМИЗ!

Радиодан ажиб бир тароватли, дил тубига чўкиб қолган ҳисларни уйғотувчи оҳанг тараляпти...

Куйнинг номи "Турандот". Эҳтимол, бу куйнинг яратилганига минг йил бўлгандир. Лекин дуторда радио тўлқинлари орқали янграётганига ўттиз беш йилдан ошди.

Бу куйни ижро этаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, мумтоз санъаткорларимиздан Ғуломжон Кўчқоров 1919 йили Тошкент шаҳрида, ҳунарманд-косиб Кўчқор ака оиласида таваллуд топди. Шаҳарда ҳаёт кечириш бирмунча қийинлашиб, улар Тошкент яқинидаги Аччи қишлоғига деҳқончилик билан шуғуллангани кўчиб кетишади.

Ёш Ғуломжон ўша пайтларда қишлоқда ўтказилиб туриладиган сайилларда, йиғинларда, тўй-томошаларда ўз тенги, ҳаттоки ўзидан катталар билан кураш тушар ва ғолиб келарди. Катта курашчи бўлиш нияти ҳам йўқ эмасди.

Аммо юрагининг тубида яна нимадир ётар эди. Ўша вақтларда қишлоқдаги турли маросимларда Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним, Юнус ва Риски Ражабий, Карим Зокиров каби машҳур ўзбек санъаткорларининг санъати ва суҳбатидан кўп марта баҳраманд бўлган Ғуломжон дутор чолғусига меҳр қўйди.

Кўчқор ота ўғли Ғуломжоннинг қизиқиши астойдил эканини кўриб, 1933 йили уни Бешёғочдаги мусиқа билим юртига етаклаб боради. Билим юртида Ғуломжонга Юнус Ражабий ва Ориф Қосимов дутор чолғусини анъанавий йўлда ўргатадилар. 1936 йили билим юрти Шайхонтоҳур даҳасига кўчирилиб, унга Ҳамза номи берилади ва бу ерда нота билан ўқиш йўлга қўйилади. Устоз Юнус Ражабий шогирдига "Санъат олами катта уммон, ўғлим, шунинг учун, ёшсан, қобилиятинг бор, ўқишни давом эттирасан. Иложи бўлса, энди бошқа чолғуни ўрганишга ҳаракат қил, дуторни эса, ишончим комил, қўлингдан бир умр қўймайсан", деб маслаҳат беради.

Ғуломжон Кўчқоров устози айтганини қилади ва танбурда Риски Ражабий, ғижжакда Сурен Габриэляндан таълим олади. Билим юртини тугаллаб, консерваториянинг ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимига ўқишга киради ва 1954 йили уни дирижёр, созанда ва педагог сифатида муваффақиятли тугатади.

Ғуломжон ака созандаликда ҳам, моҳир ўқитувчи сифатида ҳам машҳур бўлиб, қарийб олтмиш йилдан ортиқ ўз иш фаолиятида бу икки йўналишда баравар фаолият кўрсатиб келди.

Устанинг бир хислати шуки, унинг синфида ўқиган ёки тўғарагига қатнашган жуда кўп ҳаваскорлар, ёш мусиқачиларнинг аксарияти кейинчалик ҳаётларини катта санъатга бағишладилар. Ғуломжон ака ўз шогирдларига, фарзандларига нафақат санъат сирларидан, балки биринчи навбатда одамийлик, камтаринлик, оқибат, меҳр-мурувват каби инсоний фазилатлардан сабоқ бердилар ва бунда ўзлари доимо ўрнак бўлиб келдилар.

Устоз сермаҳсул созандалардан. Унинг дуторда ижро этган ўттиздан ортиқ ўзбек халқ ва классик куйлари Ўзбекистон радиосининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олган. Айниқса, телевидение орқали 1970-90 йилларда мунтазам бериб келинган "Танбур ва дутор тароналари" мусиқали кўрсатувида Ориф Қосимов, Турғун Алиматов, Маҳмуджон Юнусов, Зокиржон Обидов каби машҳур санъаткорлар қаторида Ғуломжон ака ҳам мунтазам қатнашиб, мумтоз мақом ва халқ куйларининг дутор чолғуси орқали оммалашувига катта ҳисса қўшган устозлардандир.

Устоз санъаткор, моҳир ва меҳрибон мураббий Ғуломжон ака табаррук саксон беш баҳорни қаршилаган бўлсалар ҳам тиниб-тинчимайдилар, ҳали-ҳануз ижод билан бандлар. Узоқ йиллик мураббийлик, созандалик, бастакорлик тажрибаси ўлароқ "Шодиёна", "Дилрабо", "Чаманзор", "Ансамбл чолғулари", "Миллий чолғуларни ўрганиш", "Дутор садолари", "Дутор ноласи" каби ўттиздан ортиқ ўқув-услубий китоблари нашр этилди.

Ғуломжон ака олтмиш уч йил Хумайра ая билан турмуш кечириб, уч ўғил, уч қизни элу юрт хизматига камарбаста кишилар қилиб тарбиялаб вояга етказдилар.

У кишининг хизматлари ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланиб; "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотландилар.

Биз шогирдлари қатори ўзбек халқ мусиқасининг фидойиси, серқирра ижодкор, устоз Ғуломжон Кўчқоровга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Миробид ИНОЯТОВ,
педагогика фанлари номзоди

БИР СУРАТ ШАРҲИ

"ДАРВЕШ ЮРАГИ"

Рангтасвирда баракали қалам тебратаётган Ф.Аҳмадалиев бетакрор услуби ва рангларга бой асарлари билан санъат ихлосмандларига яхши таниш. Рассомнинг "Опа-сингиллар", "Панжакент аёллари", "Хива", "Уч дарвеш", "Ёлғиз карвон", "Дарвеш юраги" каби асарлари киши диққатини беихтиёр жалб этади.

Рассом 1950 йили Чимкентнинг Сайрам қишлоғида туғилган. 1978-1984 йилларда Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Санъат институти) институтининг рангтасвир бўлимида ўқиган. 1985-1988 йилларда Иттифоқ бадиий академиясида академик Р.Аҳмедов қўл остида таҳсил олган. 1985 йилдан шу пайтга қадар кўплаб кўргазмаларда қатнашиб келмоқда. 2001-2003 йилларда Тошкент Биеннналеларида халқаро ҳакамлар томонидан таъсис этилган махсус соврин олган, "Обод маҳалла йили"га бағишлаб ўтказилган республика кўргазмаси совриндори бўлган. Ушбу кўргазмаларда Ф.Аҳмадалиевнинг "Дарвеш юраги" номли асари кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Бу фалсафий асар эркин руҳнинг тарихий йўлини ўзида мужассамлаштирган. Уста икки оламга хос муҳим унсурларни, ҳаётдаги олижаноблик ва гўзалликни, бу дунёда ер ва тупроқдан бўлак нарса абадий эмаслигини "Дарвеш юраги" асари орқали намоён қила олди. Ф.Аҳмадалиев ижодий йўналишининг эътиборли томони шундаки, унинг асарларида кишиларнинг табиатга, меҳнатга, ҳаётга муносабати кўзга яққол ташланади. Шу маънода устанинг ишлари орасидан "Дарвеш юраги" асари алоҳида эътиборга молик.

— Мени рассом сифатида умуминсоний фалсафа ва муаммолар қизиқтиради, — дейди ижодкор, — ҳамиша ўзимга-ўзим савол бераман: мен кимман? Ҳаёт нима? Нега биз мавжудмиз?

Болалигимда бу саволларга тўғри жавоб топа олмасдим. Йиллар ўтиб улғайгач, менда ерга бағишланган асарлар яратиш фикри пайдо бўлди. Менинг "Дарвеш"им ҳам шу ҳаракатлар мевасидир. Албатта, бир кун келиб бу асарлар эскиради, емирилади. Лекин ундан яхши хотиралар қолади. Баҳорда очилган гуллар, барқ урган майсалар куз келиши билан ер қаърига кўмилади. Бу ҳол ҳамиша такрорланаверади. Ҳаёт қонуни шу. Менинг ўйлаганларим тўғрими ёки йўқ, буни билмайман. Аммо шуни аниқ биламанки, бу дунёда фақат ер, тупроқ абадийдир.

Раъно ФАЙЗУЛЛАЕВА

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

СЎЗ ЖОНЛИ БЎЛСА ЯХШИ-ДА!

Педагогика фанлари номзоди Адиба Носирова Тошкент давлат Маданият институтида саҳна нутқи, нутқ маданияти, жонли сўз санъати каби нутқий предметлардан дарс бериб келади. Шу мавзуларда мақолалари, қўлланма ва дастурлари чоп этилган. Яқинда олиманинг яна бир китоби — "Жонли сўз санъати асослари" ўқув қўлланмаси нашр этилди.

Мазкур ўқув қўлланма маданият ва санъат институтларининг оммавий байрамлар ва эстрада томошалари режиссураси бўлимлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, аввалги дарслик ва услубий тавсиялардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Яъни мазкур қўлланма санъатшунослик ва маданиятшунослик назариясининг мустаҳкам фалсафий-мантиқий асосларига таянган ҳолда, миллий мафкура руҳи билан суғорилган.

Устоз санъатшунос олим, академик Мамажон Раҳмонов қўлланмага қуйидагича таъриф беради: "Тажрибали олима ва педагог Адиба Носированинг жонли сўз санъати асослари бўйича тузган ушбу қўлланмаси жиддий илмий изланишлар маҳсулидир".



Мазкур қўлланма икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим "Нутқ техникаси" деб номланган. Унда нафас ва овоз устида ишлаш, артикуляция ва дикция машқлари, нутқ техникасини такомиллаштириш сир-синоатлари батафсил очиб берилган. "Сўз устида ишлаш" деб номланган иккинчи бўлим репертуар танлаш принципи, кам ва кўп воқеали манзаравий парчалар, тасвирий шеър, тасвирий масал ва тасвирий қўшиқлар устида ишлаш, адабий композиция ва монтаж санъати хусусида атрофлича илмий изланишлар асосида ёзилган. Шоир Анвар Обиджон ижодидан келтирилган ва овоз, нафас машқлари учун мўлжалланган материаллар ниҳоятда равон, таъсирчан ва машқбоп.

Г.ФАЙЗИЕВА

ЯШАРГАН "ТУРОН"

ҲАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган «Турон» илмий-универсал кутубхонаси неча ўн йиллардирки, китобхонлар оммаси маънавиятини ўстиришда баракали хизмат қилиб келмоқда.

1911 йили Абдулла Авлоний бошчилигидаги «Турон» театр труппаси ўз фаолиятини бошлаган бу бинода миллий озодлик учун курашган Мунаввар-қори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Маннон Уйғур каби бир гуруҳ маърифатпарварлар 1913 йили «Турон» номли кутубхонани ташкил қилишди. Илғор фикрли зиёлиларнинг ташаббуси билан кутубхонага дастлаб 1500 китоб совға қилинган. Озодликка маърифат йўли орқали эришишни мақсад қилиб олган жадидлар ёшларнинг маърифатпарвар, билимли бўлишлари учун шу кутубхонани ташкил этганлар. Кутубхонанинг «Турон» деб номланишида ҳам, албатта, катта рамзий маъно бор эди.

Кутубхона бугунги кунда ҳам ёшлар ва талабаларнинг севимли зиё маскани. Бу масканда кўп йиллик тажрибага эга бўлган кутубхона ходимлари хизмат қилиб келмоқдалар.

Яқинда мазкур кутубхона замон талаблари асосида қайта таъмирланиб, ўзининг янгича фаолиятини бошлади. Кутубхонада энди иккита ўқув зали мавжуд. Компьютер ва интернет хизматидан фойдаланиш учун шароитлар яратилган. Китобхонлар шу ернинг ўзидан туриб интернет тармоғи орқали бошқа кутубхоналар билан уланиб, зарур маълумот олишлари мумкин. Ўз навбатида, «Турон» кутубхонасининг ҳам веб-сайти мавжуд. Кутубхона фонди ҳозирда 400 000 дан ортиқ китобни ташкил этмоқда. Ўзбек тилидаги китоблар махсус электрон каталогга жойлаштирилган бўлиб, бу ҳам китобхонлар учун қулайлик яратади.

Бу даргоҳда XX аср бошларига оид далилий ашёлар ва газета-журналлар сақланмоқда. Шу боис кутубхона таркибида музей ташкил қилиш режалаштирилган.

— Кутубхонамизда кўп олимлар, ёзувчилар ва шоирлар вояга етишди, — дейди 33 йилдан буён шу кутубхонада фаолият кўрсатаётган директор Вазира Собирова, — ҳозир ҳам кўплари бу зиё масканини йўқлаб туришади. Бу ерда ёзувчиларимизнинг машҳур асарлари дунёга келган. Эркин Воҳидов Гётенинг «Фауст»ини таржима қилган, Миркарим Осим тарихга оид асарларини шу ерда ёзган, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кутубхонада миллий маданиятимизнинг буюк намояндалари ҳаёти, маънавий меросига бағишлаб адабий, илмий тадбирлар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиб турилади.

— Кутубхона аъзоларининг аксариятини талаба-ёшлар ташкил этади, — дейди сўзида давом этиб В.Собирова. — Гоҳо ёшларнинг китоб ўқимаслиги, кутубхоналарга бормаслиги ҳақида гапиришади. Лекин шу соҳанинг мутахассиси сифатида айтишим мумкинки, ёшларимиз бугун китобга аввалгидай эътибор билан қарашмоқда. Дунёқараши кенг, кўп соҳалардан хабардор, билимдон, иқтидорли ёшларимиз кўп. Шундай экан, кутубхона ҳеч қачон ҳувиллаб қолмайди, китоб бор экан, у, албатта, ўқилади.

Ф.МАҲКАМОВ

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МАСЛАҲАТ

ЯРИМ ҲАЗИЛ ЯРИМ ЧИН

Таниқли адибга вилоятдан хат келди. Унда бир одам ижодга қаттиқ берилгани, кўпдан қоғоз қоралаб келаётган бўлса-да, ёзганлари матбуот юзини кўрмаётганидан нолибди. "Сиз асарни қандай ёзасиз, шуни хат орқали билдирсангиз. Ё бўлмаса, бевосита маслаҳат олиш учун ҳузурингизга борсаммикин", дебди. Ёзган нарсаларидан бир дафтарини хатга илова қилибди. Адиб, дафтарни варақлаб ўтирди-да, ўйланиб қолди. Қайси бири маъқул: хат ёзганими ёки ўзини чақириб маслаҳат берганими? Яхшиси, ҳаваскор узоқ йўл босиб овора бўлмай қўя қолсин, деб жавоб ёзишга жазм қилди.

"... Ҳозир, укажон, ошкоралик замони, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бор гапни дангал айтавераман. Ёзувчилик бу хамирдан қил суғуриш ёки қаймоққа патирни ботириб ейиш эмас. Ғалва, ташвишдан қочмаган одамнинг иши...

Мана, қўлга қалам тутдинг, дейлик. Агар у оппоқ қоғоз устида силлиқкина юрақолса-ку, хўб-хўб. Руҳинг кўтарилиб, кўзингга олам гулистон кўринади. Ёзганларингни мухлисларинг пайсалга солмай босиб чиқаришса, ўзингни дунёда ҳаммадан омадли ҳисоблайсан. Яллама-ёр айтиб, оёқ ўйинига тушворгинг келиб қолади. Бироқ шу он яна юрагинг пўкиллай бошлайди. Танқидчи шоввозлар бор, улар нима дейишаркин? Худо ярлақаб маъқуллашса, дўппинг осмонда, қўнглинг тоғдай кўтарилган, қилган меҳнатинг чарчоқлари чиқиб кетади. Ёзгинг ва яна ёзгинг келади. Бошингда янги ўй-фикрлар, воқеалар ғужғон ўйнаб, мани ёз, деб қистайди, янги қаҳрамонлар ўз домига тортади. Оламга бошқатдан келгандай бўласан. Ҳоҳ эса қаҳрамонларинг бошига оғир мушкулликлар, кулфатлар тушиб қолса-чи? Улар билан биргалашиб қайғурасан, юм-юм йиғлайсан. Бундай кезда яхшики ёнингда одам йўқ, агар бўлганда турқингни кўриб ҳар хил гумонларга борган бўларди. Шу ҳолда дастлаб учратадиган кишинг, албатта, умр йўлдошинг бўлади. У аҳволингдан ё кулгиси қистайди, ё эрим ақлдан оздими, деб чўчиб тушади, Ҳатто "тез ёрдам" чақирмоқчи бўлади. Сен уни аранг бу йўлдан қайтариб қоласан.

Ёзувчилик осон иш эмас. Ҳа, ижод йўлингга басталик тушиб, ҳолингга маймунлар йиғлайди гоҳо. Қўшга қўшилган ҳўкизга ўхшаб столга қапишасан-да, соатлаб қаққайганча ўтирасан, қаламинг қани қимирласа. Иш юришганда вақт қанчалик ғизилласа, иш юришмаганда кун имиллаб, соатлар тақа-тақ тўхтагандек бўлади. Хонадаги оғир сукунат гўё елкангдан ботмон дахсар бўлиб босаётгандай, шу сукунат юкидан қутулиш иложини ахтариб қоласан... Беихтиёр дилингни шубҳалар қоплайди. Ёзувчилигинг ишончсизлик ҳам кўланка ташлаб ўтади. Йўқ, дейсан ўзингни қўлга олиб. Қаламни зўрлаб юргизиб кўрасан. У асов хўтикдай бир ерда депсиниб тураверади. Ўрнингдан туриб кетай десанг, худди биров алланима деб таъна-това қилаётгандай, ўзингни босасан.

Бирпас хаёл тизгинини ўз ҳолига қўйворасан. Деразадан ташқарига назар ташлайсан, эҳе... Тип-тиниқ мовий осмоннинг бир парчасини тўсиб турган дарахтлар шовуллаши, ям-яшил барглларда олтиндай жимирлашиб ўйнаётган шуълалар, шохлардан-шохларга учиб-қўниб яйрашаётган қушчалар чириқ-чириқи... Бирдан қулфи дилинг очилиб, қаламга қўл чўзиб қоласан. Сўз кетидан сўз, жумла кетидан жумла селдай шовуллаб келади. Қаршингдаги қоғознинг яримчаси қораланади-ю, шу билан қалам хитлик қилиб қолади. Қайта-қайта чуҳлаб юргизворай, миянгга теша тегмаган фикр келай деб турганда, ногаҳон қулоғингга сур пашша қўнади-ю, хаёлингни қочириб, ишнинг белига тепади. Янгангиз бугунги газеталарни ташлаб кетганда, эшикдан хонага пашшалар кириб қолган экан-да. "Мен ижод қилаётганда эшикни очманглар, телефон узиб қўйилсин, ёнғин хавфи туғилган тақдирда ҳам каминани безовта қилинмасин!" деб эслатилган-ку, барибир фойдасиз. Фаромушхотирлик ҳам эви билан-да!

Хулласи, шап-шапни қўлга олиб, пашшаларни шапиллатиш бошланади. Моховларнинг уруғи кўплиги-чи! Катталарини қирсанг, энди учирма бўлган дуваракларини ҳужумга ўтади.

Кўп уриниш пировардида пашшалар ҳужумидан қутулгандай бўласан-у, бироқ илҳом париси пир этиб номаълум ёққа учиб кетгани ёмон бўлади. Мияда ҳосил бўлган сахродай бўшлиқни энди нима билан тўлдирасан, илҳом париси қайтиб келармикан-а? Қайтиб келади, дейсан ўзингга далда бериб. Вақтинча бўлса-да, бўшлиқни тўлдириб туриш учун қандайдир овунчоқ, анчайин баҳона ахтариб қоласан. Қўлингга янги газеталарни олиб варақлашга тушасан. Бугунгиларида ҳам ўқийдиган олди-қочдилар кўпга ўхшайди.

Йўқ, укажон, бу сўзларимдан ажабланманг, мени мабодо асабийликдами, иноҳиқликдами айблай кўрманг. Ижод ишининг бўган-турғани шунақа нозик. Хиёл нарса — узоқдан келадиган вертолёт гумбирими, болалар учираётган варрак дириллашими, чумчуқлар чириллашими, ҳаммаси таъсир этаверади. Ижодчи ўзини қил устида турғандай ёки якка чўпдан ўтаётгандай ҳис этади. Сал тойдими тамом — пишиб келаётган хаёл қозони ағдар-тўнтар бўлади. Қозонни бошқаттадан масалиққа тўлдириб, ўчоққа оловни янгидан ёқиш керак бўлади.

Азиз укажон, жавоб хатим чўзилган бўлса, узр. Уни шу ерда тўхтатиб, дил-дилимдан айтгим келади. Йигит кишига етмиш ҳунар оз, дейдилар. Бошқа ҳунарингиз бўлса, ўшандан қолмаганингиз маъқулмикан, дейман. Яна ўзингиз биласиз..."

Ҳаваскор ўртоқ хатимни олиши биланоқ, жавоб ёзишга шошилибди: "Қаламкашликнинг сирларини менга ошкора қилганингиз учун ташаккурлар бўлғай. Фақат "Укажон" деб камситганингиз сал ботди. Негаки, сиз жанобларини ойнаи жаҳонда неча бор кўрганман. Чамамда, элликлар нари-берисидасиз. Каминангизни бўлса, олтмишдан нарёқда деб биласиз..."

Оббо, умримда бир марта ижодий маслаҳат берибман-у, шунда ҳам қовун тушиribман-да, а?

ТЎЙҲАТ

ҚЎШЖОНОВНИНГ УСТОЗИ

Устоз Маҳмуд Саъдий табаррук 65 ёшга тўлдилар.

Ҳаётда фақат бир марта бўладиган бундай улуғ кунни қандай ўтказган маъқул?

Матёқуб Қўшжоновдай олим "устоз" деб лутф қиладиган, адабиёт ихлосмандларига яхши таниш Саъдий домла бу масалани ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган шаклда ҳал қилиб ташладилар. Яъни таваллуд кунларининг 65 йиллигига 65 ёшда кўрган навбатдаги набираларининг аҳиқа тўйи совға бўлди.

Биз эсак, таҳририятда қолган уч-тўрт киши, эрталабдан енг шимариб, устознинг ўрнини аввалги, ундан олдинги ҳафта-ой-йиллардагидек, билдирмай материалларни пешма-пеш таҳриридан чиқариб, устидан ўқиб, "тим-тимакларини" жойига қўйиб турибмиз. Буни — мўъжазгина жамоамизнинг устозга бўлган чексиз ҳурмат-эътибори деб тушунишингизни истаймиз.

Гап — ишга вақтли келиб, кеч кетишда десак, 65 йиллик юбилейнинг чўғи бирмунча пасаяди. Шу боис биз бундай демаймиз. Гап — натижада, талабчанликда, мақола орасига бирорта бевош фикр, хом жумла, ноаниқ факт, ишончсиз тахмин, баландпарвоз ибора, ўринсиз иқтибос, зўраки мақтов, писсмиқ пичинг ва яна шунга ўхшаш нимкосали учирим-қочиримлар аралашиб қолмаслигида, деймиз.

Гапнинг тарновини шундай қиялатсак, Маҳмуд аканинг газетачилик фаолиятига, барибир, қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Ҳамма жойда ҳам бир "ҳай-ҳай"ловчи бўлгани маъқул. Айниқса, ҳозир — газета-журнал деганингиз кўпайганидан-кўпайиб, таҳлил ва таҳрир санъати сезиларли даражада оқсоқланиб қолаётган бир пайтда Маҳмуд ака бутун умрини сўз масъулияти, сўз қадрига бағишлади, сўз учун курашди, топгани, топмагани шу сўз туфайли бўлди. Унинг ўз сўзига талабчанлиги гоҳо бошқалар сўзига талабчанликдан ҳам ошиб кетади. Бу эса ҳамманинг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмас.

Баъзи бировлар "Бугун адабий танқидчилигимизнинг шашти паст", дейди. Бўлса бордир. Бунда Маҳмуд Саъдийнинг бевосита айби йўқ. Лекин қатор "шаштсиз" мақолалар таҳririдан сўнг анча ихчамлашиб, афт-ангорига ранг кириб, тили бурролашиб, таъми оғизда қоладигандай бўлиб чиқаётган бўлса, бунинг учун Маҳмуд Саъдийга раҳмат дейиш керак.

Устознинг ишга келишлари масаласида... Агарки у киши, яъниким домла Саъдий эрта азондан то қош қорайгунча иш столига михланиб, мақолаларни машинада лағмон чўзгандай таҳриридан чиқарибчиқармай, бош муҳаррирга худди лентада хом гишт узатгандай узатаверганларида борми, уларни вақтида босиб чиқариш учун газета саҳифаларини уч бора оширишга мажбур бўлардик. Маҳмуд ака қоғоз муаммосини тўғри тушуниб, бизни бундай ташвишга гирифтор қилмадилар.

Устоз бунақа узатадиганлардан эмас!

Шунинг ўзига қуллуқ!

Муборак ёшингиз яна бир бор қутлуғ бўлсин, муҳтарам устоз! Бир вақтлар "Гулистон"дан "ЎзАС"га олиб ўтган семиз папкаларингиз омон бўлса, материал тақчиллиги деган касал бизга ҳали-бери хуруж қилмайди.

Доимо соғ-омон бўлинг!

Таҳририятда кўришгунча!

Аҳмад OFA

ҲАҚИҚАТТА ҲАССАДЕК СУЯН!

ҚАДР

Дунёда саломнинг
алиги бордир.
Эсига тушганнинг
қўлин олиб қўй.
Ҳар куним байрам деб
қувонма, лекин,
Қадрингга етган кун
Асли битта тўй.

ЎЗИНГ БИЛАН ЎЗИНГ...

Ҳақиқатта
ҳассадек суян,
Судралувчи
қадам ташлама.
Ҳассам дарахт бўлсин,
десанг гар,
Ўзинг билан ўзинг
яшама...

ЎЛИМ ҲАҚ

Ўлимнинг йўлини
қайтарма ҳарчанд,
Барибир айтганин
қилиб кетади.
Тўшакда ётганни
ҳисобламай гоҳ
Оёқда юрганни
илиб кетади.

ЭЛДАН СЎРА...

Элдан сўра, кимлигингни,
жавоб ўрама.
Болам, менинг бошимдаги
қорни қурама.
Йиқилганга елка тутсанг
ортга қарама,
Тик оёқда турган чоғинг
Ёрдам сўрама.

УМР

Умр нима?
Юз хил маъно
талқинимдадир.
Умр — дарё,
Умр — денгиз,
Умр — оддий кўл.
Мен отамнинг
Изларига
Термулиб дедим:
Умр-асли бу
Пойгакдан то
Тўргача йўл.

РОСТИ — РАСТИ

Куйма юрак,
Куйма асти.
Туҳмат қисқа,
Рости-расти.
Ҳар ким қилса,
Худо қасди.
Бадном бўлар,
Рости-расти.
Оқибатни
Ғафлат босди.

Эгма бошинг,
Рости-расти.
Қалта бўлар
Ёмон дасти
Омин, дегин,
Рости-расти.

ЎЗБЕГИМНИНГ ЙИГИТЛАРИ

Йигирмада уйланади,
Бир йил ўтмай суюнади.
Ўзи бола, болам, дейди
Энди бошқа олам, дейди
Ўзбегимнинг йигитлари.

Ўттизида ўткир бўлар,
Қирққа бориб кучга тўлар,
Тўй қилай деб йиғинади,
Орзуларга сиғинади,
Ўзбегимнинг йигитлари.

Эллигида эл бўлади,
Олтмишида бел бўлади.
Етмишида номозгўйдир,
Саксонида аразгўйдир,
Ўзбегимнинг йигитлари.

Чеваранинг тўйин кўриб,
Эваранинг бўйин кўриб,
Кўкрак кериб юраверар,
Тўқсон-юзга кираверар,
Ўзбегимнинг йигитлари.

ТАНБЕҲ

Омад, сенинг эсинг йўқ,
Эсинг қачон киради.
Қачонгача омадсиз
Изларингдан юради.

Бу аҳволда айт, қачон
Ниятингга етасан.
Буюрганлар қолиб гоҳ,
Югурганга кетасан.

Ҳамид НОРҚУЛ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА ШАХМАТИ

СОВРИН КЕРАКМИ?

Ижодкор адибларнинг Бўстонлиқ туманидаги "Ёзувчи" дала-боғ ширкати бош қўрғонида шу йил 14 август шанба куни анъанавий шахмат мусобақаси бўлиб ўтади.

Мусобақада ижод майдонида "от суриб, фил ўйнатиб юрган" таниқли адиблар, уларнинг ҳали унча таниқли бўлмаган шогирдлари, ижодда иложи бўлмаса шахмат тахтасида ўзлигини намоён қилишга астойдил бел боғлаган бир гуруҳ баланд шаштлилар, мухлислар, ширкат аъзолари ва яна бир қанча танишу нотанишларнинг иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Мусобақа ҳайъат аъзоларининг якдил қарорига кўра ғолибларни тақдирлаш маросими бу йил янгича тарзда ўтади. Турнирнинг мутлақ ғолиби асосий совринга эга бўлса, ундан кейинги иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганлар ҳам мукофотдан бенасиб қолмайдилар.

Жадвалнинг охирги уч ўрнини эгаллаганларга эса юқоридаги уч ғолибга топширилган қимматбаҳо совғаларнинг ғилофлари тақдим этилади.

Мусобақа қатнашчилари учун ҳомийлар томонидан бир неча совринлар таъсис этилган.

Ширкат хўжалигининг "Пиёдани аср ранг!" деб номланувчи махсус соврини рақибини ҳурмат қилиб иккинчи, учинчи юришдаёқ таслим битимига мардонавор имзо чеккан ёш истеъдод эгасига насиб қилиши аниқ.

Тахта устида ягона Шоҳи қолгунча ғалабадан умидини узмаган шахматчи эса эстрада юлдузларимиз ижросидаги "Отим орик, манзилимга етолмайман-о" қўшиғи ёзилган аудиокассетага эга бўлади.

Бўстонлиқ тумани ҳаваскор шахматчилар федерацияси таъсис этган соврин "Ўйла, изла, топ" номини олган. Унга бир юришга бир соатдан ортиқ вақт сарфлаган қатнашчи эришиши мумкин.

Бундан ташқари, бир неча шахсий совринлар ҳам мавжуд. Чунончи, ширкат раиси Дадахон Нурийнинг шахсий соврини ўйинни дебютдаёқ расво қилган шахматчига мусобақа тугамай турибоқ топширилади.

Совринлар солиққа тортилмайди.

Ташкилий қўмита турнир иштирокчилари номларини ҳозирча сир сақламоқда. "ЎзАС" мухбири аниқлаган ягона маълумот шуки, бу мусобақага янги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновни меҳмон сифатида таклиф этиш нияти ҳам йўқ эмас.

Ўз ахборотимиз.

ҲАЗИЛ БОШҚА, ҲАЖВ БОШҚА.

Ҳазил бошқа, ҳажв бошқа,
Бу йўлда хато қилманг!
Ҳазилни гоҳ ҳажв англаб,
Янги жанр ато қилманг.

Ҳазил, ҳажв дилдош асли,
Кулги эрур улар насли.
Икковини қориштириб,
Юракка жафо қилманг.

Ҳазил — хушчеҳра доим,
Кулишлари мулойим.
Азизим, қалбингиздан,
Ҳазилни жудо қилманг.

Севар эдик ҳажвни ҳам,
Бугун шўрлик бироз беғам.
Олмоқда ҳозирча дам,
Қанчайин нидо қилманг.

Ҳазил, Ҳажв мўл-кўл бўлсин,
Юраклар завққа тўлсин.
Истагим: кулгимизни
Кулгига гадо қилманг.

Ҳазил бошқа, ҳажв бошқа,
Бу йўлда хато қилманг!..

ҲАЗИЛ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

Ҳазил таги зил дейдилар,
Ҳазил кучи дил дейдилар,
Билиб ҳазил қил дейдилар.
Ҳазиллашишга кўп шошманг.
Ҳазил билан ҳазиллашманг!

Бировларга кулиб нуқул,
Бўлиб қолманг ҳазилга қул.
Обрўингиз бўлар бир пул,
Ҳазиллашишга кўп шошманг,
Ҳазил билан ҳазиллашманг!

Бугун ҳазил-ҳазил билан,
Ёзиб ҳазил лапар — ўлан,
Фикрин баён этди Тўлан,
Ҳазиллашишга кўп шошманг,
Ҳазил билан ҳазиллашманг!

Тўлан ТАБАССУМ

БЕШ МИНГ ЙИЛ ЯШАГАН ҲИМОЛАЙЛИК ҚАРИЯ

Куба, Гонконг ва Шимолий Кореядаги махфий лабораторияларда одам умрини беш юз йилгача узайтирадиган малҳам яратиш устида иш олиб борилмоқда.

1956 йили Ҳиндистонда чиқадиган газеталар бу мамлакатнинг шимолидаги тоғлар орасида жойлашган гадойтопмас жойдаги Патиала шаҳарчаси ҳокимининг вафот этганини хабар қилишганди. Бу хабар газеталарнинг биринчи саҳифасида берилгани, дастлаб, кўпчиликни ажаблантирди: нима кўп — Ҳиндистонда Патиала каби шаҳарчалар кўп, уларнинг барида ўз ҳокимлари бор. Бироқ айни шу шаҳарча ҳокими ража Тапасвижи оз эмас - кўп эмас... 186 йил умр кўрган эди.

Газеталардаги хабарда таъкидланишича, ана шу ҳоким йигитлик палласида Ҳимолай тоғини кезиб юрган бир кекса дарвешни учратган ва шу учрашув унинг узоқ умр кўришига сабаб бўлган. Ўшанда кекса дарвеш айни кунда беш минг (!) ёшга тўлганини, Искандар Зулқарнайн билан шахсан суҳбат қурганинию Чингизхоннинг чодирида қимиз ичганини гапириб берган. Шу чол Тапасвижига абадий ҳаёт бахш этувчи малҳам — оби-ҳаёт тўлдирилган қадаҳ ҳадя этган. Ҳокимнинг ўзи тан олиб айтганига кўра, бу оби-ҳаёт қора рангдаги суюқлик бўлиб, қанча уринишмасин музофотидаги алкимёгарлар унинг таркибини аниқлай олишмаган. Суюқликни белгиланган миқдорда ҳар ўн йилда бир марта истеъмол этиш буюрилган. Малҳам тугагач, Тапасвижи ҳам қазо қилган. Унинг ўлимидан кейин уйини титкилашиб, қадаҳни топишга уринишлар бўлган, бироқ қадаҳ топилмаган.

ОЛТИНҲЎРЛАР

Мангу ҳаёт бахш этувчи малҳам — оби-ҳаётга иштиёқ Ерда тириклик пайдо бўлгандан бери давом этиб келаётир. Бу сеҳрли дори ҳақидаги илк маълумотлар Қадимги Миср йилномаларида қайд этилган. Бу ўлканинг шоҳлари "тириклик суви"дан истеъмол этишган. "Тириклик суви" махсус идишларда кучли қўриқчилар назоратида сақланган. "Илоҳлар суви"дан татиб кўриш бошқаларга тақиқланган. Айтишларича, Клеопатра оби-ҳаётдан ичиб кўрган экан. Бироқ у кейинчалик ўз жонига қасд қилгани боис, малҳамнинг қандай натижа бергани номаълумлигича қолган.

Хитой императори Сюан-цзун ўзининг саройидаги алкимёгарлар тайёрлаган шундай дорини истеъмол этгач, орадан бир ой ўтиб қазо қилган. Маълум бўлишича, малҳам бир йил (!) мобайнида оловда қайнайверириб заҳарга айланган экан. Хуллас, жуда узоқ яшашга имкон берадиган воситани топиш йўлидаги изланишлар бирор-бир замонда тўхтаб қолмаган. Ҳозир ҳам, мутахассислар фикрича, дунёнинг камида уч мамлакатида "оби-ҳаёт"нинг таркибини топиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Келиб чиқиши тибетлик бўлган гонконглик профессор Дэвид Нгаванг йигирма йилдан бери умрни узайтирадиган малҳам яратиш устида ишлаётир. Унинг лабораториясини дастлаб "британиялик бизнесменлардан кимдир" моддий таъминлаган. Гонконг Хитой тасарруфига ўтгандан сўнг "хитойлик бизнесменлар" лабораторияни молиялай бошлашган. Ғарчи профессор ҳеч кимни лабораториясининг яқинига йўлатмаса-да, олиб бораётган иши ўта махфий эмаслигини таъкидлайди. Унинг уқтиришича, "оби-ҳаёт"ни яратиш мумкин, бироқ бунинг учун узоқ вақт талаб этилади.

—Менинг омадим шундаки, мен қадимги алкимёгарларнинг қўллашган воситалари орасида қайсилари иш бермаганини билиб олдим. Масалан, "оби-ҳаёт"ни тайёрлашда асосий восита сифатида олтин ишлатилган, олтин қонни тозалаши кўзда тутилган, — дея тушунтиради профессор Нгаванг. — Тўғри, олтин қондаги микробларни йўқотади, яраларни тузатади. Шундан келиб чиқиб, қадимги алкимёгарлар (дарвоқе, улар қаторида Нострадамус ҳам бор) агар овқатга оз-оз миқдорда олтин қўшиб борилса, бу узоқ яшашга ёрдам беради, деб ҳисоблашган. Бироқ, бундай бўлиб чиқмади. Ҳинд йогалари эса тоғ асали билан озиқланган киши юз йиллаб яшаши мумкин, деб ҳисоблашган. Ҳар икки ҳолда ҳам натижалар кутилганидек бўлиб чиқмаган.

ЭЙНШТЕЙН УЧУН 300 ЙИЛ

Ҳозир, 50 ёшли профессорнинг фикрича, олтиннинг одам организмига ёрдам бериши илмий исботланган, бироқ бу металл боқий умр бахш этолмайди. Кейинги пайтда Дэвид Нгаванг янги таркибдаги малҳам устида иш олиб бораётир. Бу малҳам одам организмидаги эски ҳужайраларни суриб, ўрнига янгисини жойлаштиришдек ғаройиб ишни амалга ошириши мумкин. Бу, аслида, организмнинг ўзини-ўзи клонлаштириши, деса ҳам бўлади. Яъни яратилажак бу малҳам истеъмол этилгач, юрак, жигар, буйрак мунтазам тарзда ўзини-ўзи янгилаб, жуда узоқ муддат мобайнида ишлайверади. Ўн йил олдин бу профессорнинг организмнинг ўзини-ўзи янгилаши — клонлаштириш услуби ҳақида эшитганлар уни телбага чиқаришлари мумкин эди. Чунки ўша пайтлар клонлаштириш ҳақида ҳеч қандай гап йўқ эди. Энди эса унинг тадқиқотлари учун пулни аяшмаяпти.

Доктор Нгавангнинг таъкидлашича, бир марта ичиб абадий яшайдиган дори фақат эртакларда бўлиши мумкин. "Оби-ҳаёт" дегулик малҳамни эса доимий равишда, жуда бўлмаганда ҳар 10-15 йилда бир марта истеъмол қилиш лозим. Агар киши яшашдан чарчаса, тириклик жонига тегса, малҳамни ичишни тўхтатса кифоя.

Ҳозирча бу профессорнинг яратган малҳами одам организмидаги ўлик ҳужайралар ўрнини янгиси билан алмаштириш хусусиятига эга. Бироқ янги ҳужайралар бир неча соат "яшаб", кейин нобуд бўлаётир. Унинг изланишлари эса давом этмоқда. Дарвоқе, докторнинг иқрорича, ҳамманинг бардай "оби-ҳаёт"дан истеъмол қилишига ҳожат йўқ. Негаки, сайёрамиздаги одамларнинг ёппасига умрбоқийлигини таъминлаш кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳалокатга олиб келади, дейди Нгаванг.

— Тасаввур қилинг, хитойликлар сони миллиард эмас, йигирма миллиард бўлса. Бундай вазиятда, яъни Ер юзи аҳолиси боқий умр кечира бошласа, жуда тез фурсатда табиий заҳиралар, озиқ-овқат тақчиллиги ва бошқа муаммолар кўндаланг бўлади-ку! Мен яратишга уринаётган "оби-ҳаёт", дейлик, Эйнштейнга ўхшаган инсонларга берилиб, шундайлар ҳаётининг бардавомлигини таъминласа, инсониятга катта нафи теккан бўлардик. Албатта, умрни узайтирадиган малҳам "қора бозор" орқали қандайдир қаттол диктаторлар қўлига ҳам тушиши мумкин. Бироқ бундан мен ортиқча ташвишланмайман. Чунки мустабидларнинг жуда камдан ками ўз ажали билан ўлгани кўҳна тарихдан маълум, — дейди доктор Нгаванг.

СУНЪИЙ ҚОН

Гонконглик профессорникига ўхшаган лабораториялар айни шу мақсадда Шимолий Кореяда, Куба ва Исроилда фаолият кўрсатмоқда. "Суюкли доҳий" Ким Ир Сен тириклигида "сеҳрли ичимлик" тайёрлашга киришилган эди. Бу дори унинг умрини камида 500 йилга чўзиши керак эди. Бироқ бу режалар амалга ошмади. Шунга қарамай, "сеҳрли ичимлик" яратишга мўлжалланган лабораториялар ёпиб қўйилгани йўқ, улар энди "суюкли раҳбар" Ким Чен Ирга хизмат кўрсатишга йўналтирилган. Бу илмий марказлар айни пайтда ички органларни махсус идишларда ўстиришга кўпроқ эътибор қаратишаётир. Худди шундай изланишлар Кубада ҳам давом этмоқда. Гарчи расман тан олинмаса-да, мазкур тартиботларни шахсан Фидел Кастронинг ўзи моддий жиҳатдан таъминлаб келмоқда. "Оби-ҳаёт"ни яратиш бўйича Исроилда ҳам 1979 йилдан бери тадқиқотлар олиб борилаётган экан. Шунингдек, Америка матбуоти 60-йиллар бошида МРБнинг лабораториялари да умрни узайтирадиган малҳам устида иш олиб борилаётганини хабар қилганди.

— Эҳтимол, менинг изланишларим бирон-бир натижа олиб келар, балки улардан ҳеч иш чиқмас, — дейди Дэвид Нгаванг. — Мен клонлаштириш бошланганидан ўн йилча олдин лабораторияда хужайраларни ўстиришга муваффақ бўлгандим. Ҳозир мен учун муҳими, хужайраларнинг узоқ яшашини таъминлаш ва одам организмининг уларни бемалол ўзиники қилиб олишига эришиш. Ҳозирча бунинг иложи топилгани йўқ. Бироқ мен тўғри йўлни танлаганимга ишончим комил. Бунгача мен сунъий қон — доривор моддалардан тайёрланган суюқлик билан ички аъзоларни ювиб яшартириш, уларнинг касалланиши олдини олиш усулини синаб кўргандим. Афсуски, жониворларда синалганда бу усул ўз натижасини бермади.

Доктор Нгавангнинг ишончига кўра "оби-ҳаёт"ни яратиш XXI аср учун қандайдир ўта мураккаб жумбоқ эмас. "Бундай малҳамни мен ярата олмасам, уни бошқа биров яратади. Ва бу ҳодиса ўзини узоқ куттирмайди", дейди профессор Д.Нгаванг.

Чет эл матбуоти материаллари асосида Алишер ОТАБОЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Жуманазар Бекназаровга турмуш ўртоғи **УЛДАН опанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Санъат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Фарҳод МАҲКАМОВ
Саҳифаловчи — Шохрух ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 861. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН